Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 135 (20. 402) • 1989 йил 8 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.



ХАЛҚ БИЛАН ЖОНЛИ АЛОҚА

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

Депутат **Т. А. Миниуллин** Татаристон АССР вакиллари бўлмиш халқ депутатлари номидан қўшни Бошқирдистон АССР территориясидаги фалокатда азият чекканларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур таъзия изҳор қилди.

Сўнгра у эътиборни депутатнинг ўз фаолияти учун масъулиятига қаратди. Сайловолди учрашувлари вақтида талайгина ваъдалар, наказлар берилди. Энди уларни бажариш керак. Сайловчиларнинг кўпчилиги қишлоқ аҳолисидир, деб таъкидлади нотиқ. Қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига қараганда анча сабр-тоқатли, ваҳолонки катта ва кичик муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Нотиқ уруш ветеранининг хатидан бир жумлани ўқиб берди. Ўша ветеран фронтда солдатлар жангга киришганида улардан иш жойини сўрашмаганини, эндиликда эса нима учундир колхозчиларга бошқалар билан баравар пенсия берилмаётганлигини ёзади. Миллионлаб пенсионерлар шу хатга жавоб кутмоқдалар.

Депутат автоном республикада бошқа социал ва экологик масалалар қонунқарсиз ҳал этилаётгани тўғрисида ташвишланиб гапирди. Масалан, олимларнинг кўпдан-кўп қаршиликларига қарамай, Камадаги аҳоли зич яшайдиган саноат районининг марказида атом электр станцияси қурилиши авж олдириб юборилди. Шу хусусда жамоатчилик ташвишланаётганлиги муносабати билан тузилган эксперт комиссияси эса ҳозирча ишга киришишга шошилаётгани йўқ.

Сўнгра нотиқ миллатлараро муносабатлар муаммосига муфассал тўхталиб ўтди. Бизнинг давримизда халқлар дўстлигининг болалар боғчасидагидек ёқимли талқини аниқ-равшан зиддиятларга дуч келмоқда, деб уқтирди у. Муаммога догматик ёндашув натижасида, ленинча миллий сиёсат бузилиши оқибатида ҳозир бегараз дўстлик қотишмасида дарз пайдо бўлди. Депутат миллий республикаларнинг тенглигига риоя этмасликни унинг асосий сабабларидан бири, деб атаб диққатэътиборни СССР Конституциясининг бир қанча моддалари унинг фикрича бир-бирига қарама-қарши эканлигига қаратди. У барча миллий республикаларни иттифоқдош ва автоном республикаларга ажратмай, уларнинг статусини тенглаштиришга чақирди.

Агар съезд ишига диққат билан назар ташланса, деди депутат **А. И. Селезнев**, шуни айтиш мумкинки, съезд жамиятимизда ўтаётган демократик янгиланиш, революцион ўзгартишнинг барча жараёнларини акс эттирмоқда. Сайловчилар билан кўпдан-кўп учрашувлар халқ жамиятни лоқайдликдан иборат мудроқликдан халос этганлиги учун партияга, Марказий Комитетга муносиб баҳо бераётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга ийўл қўйилган хатолар учун халқ партия комитетларига, конкрет ходимларга нисбатан асосли равишда қаттиқ талабчанлик қилмоқда. Партия ўзини тозалаб, унинг организми соғломроқ бўлиб қолаётганлигини одамлар кўриб туришибди. Нотиқ партия ходимларини қоралаш фактларига қарши чиқди.

Аграр муаммога батафсил тўхталиб ўтган нотиқ бу муаммони ҳўжалик муаммоси эмас, балки сиёсий муаммо, деб ҳисоблаётганлигини таъкидлади. Икки масалэ — ер тўғрисидаги ва одамлар тўғрисидаги масала марказий масалалардир. Партия ва давлат йўлини бутун халқни қишлоқ эҳтиёжлари томон тубдан бурмай туриб, инвестиция сиёсатини принципиал равишда ўзгартирмай ва уни қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқариш, турмуш, социал-маданий ва маънавий талаб-эҳтиёжларига яқинлаштирмай туриб, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиб бўлмайди.

Қишлоқни тубдан ва комплекс социал қайта қуришга доир чора-тадбирлар системасини амалга ошириш керак, деб ҳисоблайди депутат. Бу ғап аввало қишлоқ муаммолари ниҳоятда ўткир, кескин намоён бўлиб қолган Россияга тааллуқлидир. Нотиқ далил сифатида Курск областидан баъзи маълумотлар келтирди. Бу ерда қишлоқ аҳолиси камайиб бормоқда, кўпгина қишлоқлар йўқ бўлиб кетди, қишлоқ аҳли асосан қариялардан иборат бўлиб, меҳнатга қобилиятли одамлар пенсионерларга қараганда камроқдир, болалар сони камайиб кетмоқда. Ҳаёт таъминоти, меҳнат шароитларини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳаддан ташқари узоққа чўзилмоқда. Нотиқ деҳқонларнинг пенсия таъминоти муносабати билан съездда билдирилаётган ташвишга қўшилди. У шу йилнинг ўзидаёқ пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонунни съезд муҳокамасига қўйишни таклиф этди.

Нотиқ хўжалик юритиш концепциясини қайта кўриб чиқишни таклиф қилди. Ер тўғрисида қонун тайёрлаш ва қабул қилиш, деҳқончиликнинг регионал илмий концепцияларини ишлаб чиқишга мамлакатнинг энг яхши кучларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Раислик қилувчи съезд президиумининг топшириғига биноан ХХРдаги воқеаларга доир баёнотнинг лойиҳасини ўқиб эшиттирди.

Съезд мазкур баёнотни кўпчилик овоз билан қабул қилди.

Қўшни Хитойда фожиали воқеалар содир бўлди, дейилади ҳужжатда, совет кишилари улар ҳақида ўз вақтида ва кенг хабардор қилиндилар. Вазият кейинги кунларда айниқса кескин бўлиб қолди.

Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, ХХР пойтахти — Пекинда ёшларнинг оммавий ғалаёнлари қатнашчилари билан қўшинлар ўртасида тўқнашувлар юз берди, қурол ишга солинди, одамлар қурбон бўлди.

Ҳозир пухта ўйламай, шошма-шошарлик билан хулосалар чиқариш ва баёнотлар бериш пайти эмас. Баъзида эҳтиросларни авж олдириш, ҳатто тезроқ ғалаба қозониш истаги ҳам кўзга ташланмоқда. Ҳозирги вазиятда ҳар қандай ҳаракат ҳам, ҳатто энг яхши ниятлар ҳам оқибатларини олдиндан ҳисобга олиш имконини бермайдиган мураккаб ва хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин, деди депутат.

Ҳозир Хитойда авж олиб кетган воқеалар — мамлакатнинг ички иши, албатта. Бу ерда четдан туриб ҳар қандай тазйиқ ўтказиш йўлидаги уринишлар ноўрин бўлур эди. Бундай уринишлар эҳтиросларни авж олдиради, холос, лекин вазиятни барқарорлаштиришга сира ҳам кўмаклашмайди. Донолик, соғлом фикр, вазминлик билан ёндашув устун чиқиб, вужудга келган вазиятдан улуғ хитой халқига муносиб равишда қутилиш йўли топилишига умид қиламиз, дейилади сўнгра баёнотда.

Дўст хитой халқига ўз тарихининг мана шу фожиали саҳифасини иложи борича тезроқ ағдариб, иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар йўлидан, кучли, тинчликсевар, эркин социалистик Хитой — ўз қўшниларининг, бутун инсониятнинг ҳурмати ва хайрихоҳлигига сазовор бўлган буюк мамлакат қурилиши йўлидан олға боришини астойдил тилаймиз.

Депутат **Д. Н. Кугультинов** ўз нутқини 6 июнь куни бутун мамлакат, бутун дунё А. С. Пушкин таваллудининг 190 йиллигини нишонлаётганини эслатишдан бошлади. Улуғ рус халқининг, ўз давлатини аввал бошдан кўпмиллатли давлат сифатида барпо этган халқнинг бутун олижаноблиги Пушкинда мужассамлашгандир, деб таъкидлади нотиқ. Аммо Россия миллатлараро муносабатлар соҳасида орттирган тажриба, жаҳондаги бирорта ҳам халқда бўлмаган ноёб тажриба афсуски, сталинчилик даврида йўққа чиқарилди.

Депутат давлатимиз тарихидаги баъзи эпизодларга қисқача тўхталиб, барча халқлар учун Россия ҳам ватан, ҳам она бўлган эди, деб таъкидлади. Сўнгра нотиқ мамлакатда ҳозирги миллатлараро муносабатларга тўхталди. У кичик элатлар тўғрисида гапириб, ҳозир бўлган кишиларнинг эътиборини бир вақтлар туғилиб ўсган жойларидан сургун қилинган қрим татарларининг, Поволжье республикаси немисларининг, месхети туркларининг ва бошқа халқларнинг тақдирига қаратди, унинг фикрича, Советлар мамлакатида «иккинчи нав» халқлар бўлмаслиги керак. Депутат қрим татарларинг автономияси, Поволжье немисларининг республикаси қайта тикланишини таклиф этди.

У съездда шундай қонун қабул қилиниши тўғрисида ҳам таклиф киритдики, мана шу қонунга мувофиқ бирорта ҳам халқ ҳеч қачон Сталин давридагидек хуружларга дучор бўлмасин. Бу қонун халқларнинг ҳуқуқи тўғрисидаги қонундир.

Пировардида, депутат СПИД муаммосига, ана шу даҳшатли касаллик — «ХХ аср вабоси»га қарши курашдаги камчиликларга тўхталди.

Совет Қуролли Кучлари партиянинг қайта қуришга қаратилган йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар, деб таъкидлади депутат **А. Д. Лизичев**. Кейинги йилларда янги мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди, мудофаа учун оқилона етарлилик принципи амал қила бошлади. Бу — мудофаа сиёсати соҳасида янгича сиёсий фикрлаш, партия, унинг Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сиёсий бюроси қуролли кучларга қатъий ҳамда доимий раҳбарлиги натижасидир.

Нотиқ ҳарбий соҳадаги қайта қуриш масалаларига батафсил тўхталиб, мана шу ишларнинг ҳаммаси салмоқли ҳуқуқий пойдевор асосига қурилаётганлигини қайд этиб ўтди. У ишонч билдириб айтдики, мудофаа ва хавфсизлик масалалари юзасидан тузилаётган комитет, мудофаа тўғрисида СССР қонунининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши қуролли кучларни қайта қуриш асосларини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди.

Депутат армия ва флотдаги барча ишларни такомиллаштириш масалаларига тўхталиб, улардан энг муҳимини— кадрлар иши услуби ва методларининг, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишни партиявий принципларини қарор топтириш масаласини алоҳида кўрсатиб ўтди. У КПСС Марказий Комитети ва қайта қуриш талаб этаётганидек қуролли кучларда ҳали интизом тубдан яхшиланмаганлигини эътироф этди, уни мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча таклифларни олға сурди. Нотиқ мамлакатнинг баъзи регионларида «ташвиқотчилар» пайдо бўлиб, улар армия ва унинг ветеранлари шанига доғ туширишга, қуролли кучларнинг халқ ўртасидаги обрўсига путур етказишга уринаётганликлари муносабати билан ташвиш билдирди. Баъзи жойларда ана шундай уйдирмаларга ҳамишша ҳам етук партиявий баҳо бериляпти, деб бўлмайди. Биз — мамлакат бирлиги, армия бирлиги тарафдоримиз, совет социалистик жамиятини жипслаштириш тарафдоримиз, деб таъкидлади депутат. Мамлакат қуролли кучлари жаҳондаги стратегик барқарорликни таъминлаши ва Совет давлатининг хавфсизлигини гарантиялаши лозим.

СССР Фанлар академияси Урал бўлими фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори депутат **С. С. Алексеев** қонунчилик муаммолари тўғрисидаги баъзи фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Нотиқ ҳуқуқий давлат қонунқоидаларига мос келадиган илғор, мукаммал, юксак даражадаги ҳуқуқий система зарурлигига эътиборни жалб этди. Унинг фикрича, бунинг учун ишончли қонуний сиёсат ва аниқ-пухта қатъий қонун чиқариш стратегияси зарур.

Депутат барча қонунларнинг муҳимлигини ва айни вақтда устун жиҳатларни сергаклик билан ва холис аниқлаш лозимлигини айтди. Шу муносабат билан нотиқ Олий Советнинг яқин вақт ичида бўладиган сессиясида депутатнинг статуси тўғрисида, регламент тўғрисида, референдум тўғрисида, шунингдек забастовкалар тўғрисида, бирлашмалар тўғрисидаги қонунларни дарҳол қабул қилишга оид қонуний чоралар ҳақида гапирди. Айни пайтда депутатнинг айтишича, жамоатчилик ва халқ қўллаб-қувватламаган норматив ҳужжатларни бекор қилиш даркор.

Давлатимизнинг эркин давлат сифатида мавжудлигини ихчам, аниқ формулаларда мустаҳкамлаб бераётган, ҳар бир кишининг эркин, хавфсиз яшашини мустаҳкамлаб берадиган биринчи ҳақиқий юридик Конституцияни яратиш ғоят муҳимдир. Сиёсий ислоҳотни чуқурлаштиришга оид бундан кейинги тадбирлар ана шу Конституцияни тайёрлаш давомида амалга оширилади. Депутат экономикани самарали ва яхши ишлайдиган экономикага айлантириш учун ҳўжалик системаси соҳасида қонун тайёрлашни энг муҳим муаммолар қаторида тилга олди. Депутатнинг фикрича, бу ишнинг амалга оширилиши, маъмурий-буйруқбозлик системасига уриладиган асосий зарба бўлади.

Депутат **В. Г. Распутин** қайта қуриш ва демократия тақдири тўғрисида гапириб, жамиятнинг ахлоқийлиги муаммосига батафсил тўхталди. У съезд қатнашчилари Конституцияга кўпдан-кўп тузатишларни таклиф этиб, «халқнинг маънавий жиҳатлари, қадр-қиймати, маданий ва ахлоқий қиёфаси йўлида» ҳали ҳеч нарса таклиф қилмаганлари учун таассуф билдирди. Нотиқнинг фикрича, экран, эфир ва матбуот шаҳвоний муносабатлар, зўравонлик тўғрисидаги хабарларнинг лойқа оқими билан тўлиб кетди. Аслида ахлоқийликка қарши зимдан курош олиб борилмоқда. Депутат болалар тугул катта ёшдаги кишилар ҳам кўришга уяладиган расмли сексуаль энциклопедияни эълон қилган «Семья» ҳафтаномаси шанига таңқидий фикрлар айтди. Оммавий ахборот воситаларининг, айниқса ёшлар нашрлари ва программаларининг «ўтакетган ахлоқсизлиги, дидсизлиги» мамлакатда жиноятчиликнинг кўпайиб кетишига олиб бормоқда, деди нотиқ. У ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳимоя қиладиган ҳамда ёвузлик ва зўравонликни тарғиб этишни таъқиқлаб қўядиган қонун зарурлигини таъкидлади.

Ёзувчи ўз нутқининг катта қисмини миллатлараро муносабатларга бағишлади. Уруш пайтидан бери мамлакатнинг буюк давлат сифатидаги мустаҳкамлиги ҳеч қачон ҳозиргидек синовлар ва ларзаларга дуч келмаган эди, деди у. Депутатнинг айтишича, россияликлар мамлакатимиздаги барча халқларнинг муаммолари ва миллий ҳис-туйғуларини англаб, уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлмоқдалар. Аммо биз ўз фикримизни ҳам тушунишларини истаймиз, деди у. Рус шовинизми ва такаббурлиги мамлакатдаги бошқа халқларнинг миллий туйғулари билан ўйнашаётган кимсаларнинг уйдирмаларидир.

Съездда, деб давом этди нотиқ, Болтиқбўйи депутатларининг фаоллиги яхши сезилиб турибди, улар парламент йўли билан Конституцияга тузатишлар киритилишини талаб қилмоқдалар. Бундай тузатишлар эса уларнинг мамлакатимиздан ажралиб чиқишларига имкон берган бўлур эди. Улар, деди депутат, барча кулфатларда Россияни айбламоқдалар, эҳтимол Россия Иттифоқ составидан чиқиши керакдир? Эҳтимол, бу ҳозирги ва келгусидаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга ёрдам берарди, бунинг устига, Россияда қандайдир ресурслар, табиий ва одам ресурслари сақланиб қолган. Нотиқ бошқа республикаларнинг бошига тушган кулфатларда Россия эмас, балки маъмурий саноат машинасининг умумий зулми айбдор эканлигини ва бу зулм ҳаммамиз учун мўғуллар зулмидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб чиққанини ва Россияни аёвсиз талагани учун у ҳам зўр-базўр нафас олаётганлигини таъкидлади. Биргаликда яшашимиз ва яшамаслигимиз тўғрисидаги масалани такаббурлик билан ҳал этмаслигимиз керак. Яхшиси биргаликда аҳволни тузатайлик, бунинг учун эса барча имкониятлар мавжуд.

Нотиқ партиянинг обрўэътибори тўғрисидаги масалани тилга олди. Сайловолди кампанияси чоғида баъзи номзодлар партия билетидан воз кечиб ва сайловчиларнинг партияга муносабатидан фойдаланиб, улар орасида обрў орттиришга уринадилар, деди у. Ёзувчининг айтишича, у турли ғаразгўй кимсалар партия сафига кириб олишга зўр бериб интилаётганлигини кўриб, онгли равишда партияга ўтмаган. Партия сафида бўлиш улар учун фойдали эди, шу сабабли партиянинг обрўйига путур етди, деди у. Ҳозир улар учун партия сафида бўлишнинг фойдаси йўқ. Айни пайтда хатарлидир ва шундай пайтда партия сафидан чиқиш жасорат эмас, балки уларнинг илгари партияга кириш чоғида кўзда тутган муддаосидир.

Нотиқ экология масалаларига тўхталиб, мамлакатда атом электр станцияларининг мавжудлиги муаммоси хусусида биринчи референдум ўтказишни таклиф этди.

Депутат **В. И. Яровой**нинг нутқи умумий хонадонимиз — Совет Иттифоқидаги аҳвол учун ташвиш, уни айрим алоҳида-алоҳида миллий давлатларга парчаланиши эҳтимолидан асраб қолиш зарурлигига даъват билан тўлиб-тошган. Мендан: вазиятни жуда мушкуллаштириб кўрсатмаяпсизми, шундай хавф-хатар мавжудми, — деб сўрашлари мумкин, деди Эстония вакили. Шу ондаёқ у келинг, мамлакатнинг сиёсий барометрида босим нақадар тезлик билан тушиб кетаётганига бир назар ташлайлик, деб таклиф қилди. Вазият кескинлашиб бекарор бўлиб қолган тобора янги-янги регионлар пайдо бўлмоқда. Мамлакатда марказга нисбатан давлат тузилишини қайта кўриб чиқишга доир ультиматум тарзидаги талабларни қўяётган овозлар тобора баралла янграмоқда. Ҳатто съездда ҳам шу нарса намоён бўлмоқда.

Нотиқ Эстониядаги вазиятни тасвирлаб берди. Бу ерда кўпдан-кўп гуруҳлар ва экстремистик йўналишдаги ташкилотлар қайта қуришдан қалқон сифатида фойдаланиб, демократия билан ғаламисликни чалкаштириб, тобора шиддатли ва кўпол ҳаракат қилмоқдалар. Улар аслида мавжуд тузумга, партияга, ҳукуматга одамларда ишончсизлик туғдиришга, ўзга тилда сўзлашувчи аҳолига нисбатан адоватни сингдиришга интилиб, туб аҳолини бемалол ёппасига лақиллатмоқдалар.

Депутат республикада қабул қилинган қонун актларини таърифлаб (уларнинг бир қанчаси СССР Конституциясига хилофдир), бундай деди: шундай бир ғайриоддий вазият вужудга келдики, биз СССР граждонлари қайси қонунларга асосан яшаётганимизни билмаяпмиз. Шундай шароитда ҳуқуқий давлат барпо этиш муддаоси тўғрисида гапиришнинг ҳожати бормикан? У совет давлатининг тақдири учун ташвишнинг асосли эканлигини тасдиқловчи материаллар ва ҳужжатларни президиумга топширди. Нотиқ съездга мурожаат қилиб, Совет Социалистик Федерациясини мустаҳкамлаш асосий принциплари ва босқичларини ишлаб чиқиш, бир қанча қонун актларини тайёрлаш хусусидаги таклифларини айтди. У ғазабланган сайловчилар эстониялик академик Г. Наанга нисбатан адолат тикланишини талаб этаётганликларини ҳам маълум қилди. Съезд минбаридан ана шу академик шанига далил-исботсиз қуруқ танқид сўзлари айтилган эди.

Пировардида депутат талинлик қуролли кучлар ветеранларининг съездга мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Унда ветеранлар Эстония пойтахтида камситилаётганликлари маълум қилинади.

Депутатлардан **В. И. Гольданский, М. Шаханов, А. П. Айдак, А. Л. Плотников, Е. А. Гаер** иш тартиби масалалари ҳамда мажлисни олиб бориш тартиби хусусида баёнотлар ва маълумотлар билан чиқдилар.

Шу билан эрталабки мажлис тугади.

СССР халқ депутатларининг съезди 7 июнь куни соат 16.00 да ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

АМАЛИЙ ЎЗГАРТИШЛАР ЙЎЛИДАН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

6 июнь куни Москвада, СССР Олий Совети палаталарининг Кремлдаги мажлислар залида СССР Олий Совети Миллатлар Совети палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** сўз олади. У депутатларни СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайланганликлари билан самимий табриклаб, совет кишилари янги ҳокимият органларидан барча юқори поғоналардаги ишни жиддий равишда яхшилашларини кутаётганликларини таъкидлади. Уларнинг ҳам қонун чиқарувчилик, ҳам ижрочилик соҳасидаги фаолиятини яхшилаш етилган муаммоларни ҳал этишга, қайта қуришни илгари силжитишга, жамиятимиздаги амалий ўзгартишларга олиб боради, деб ишонч билдирилмоқда.

Халқ съезднинг ҳамма мажлисларини нақадар синчиклаб кузатиб бораётганини, қандай фикрлар билдираётганини шу кунларда депутатлар ҳис қилдилар. Тўғри, битта салбий жиҳат бор: иш шу даражага бориб етдики, кўп кишилар ҳатто иш жойларини ташлаб қўйдилар, ишламаяптилар, деб айтишмоқда. Бу — яхши эмас. Биз Марказий телевидение билан Бутуниттифоқ радиосининг ходимларига съезддан кўрсатув ва эшиттиришлар ҳажмини кечки ва тунги соатларда кўпайтиришларини маслаҳат бердик. Шунда кундузи ишда бўлган одамлар съезд фаолиятини бемалол кузата оладиган бўладилар.

Миллатлар Совети ишидаги хусусиятлар кўп жиҳатдан ҳал қилувчи даражада шу билан боғлиқки, деди сўнгра М. С. Горбачев, бунда ғап кўпдан кўп миллат ва элатлар яшаб турган федератив давлат Олий Советининг палаталаридан бири ҳақида бормоқда. Неча ўн йиллардан буён улар ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик йўлларини изламоқдалар. Биз биргаликда бориб, бир-биримизга ёрдамлашиб, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаб ва ривожлантириб кўп натижаларга эришганимизни турмуш, шу жумладан съезд ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бироқ кўп жиҳатдан тарихимизда Октябрдан кейин ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам сиёсий соҳаларда йўл қўйилган бузилишлар билан боғлиқ бўлган маълум сабабларга кўра миллатлараро муносабатларда ҳали жиддий бузилишлар содир бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси миллий сиёсатни ўтказишга ҳам таъсир қилди.

Бир томондан, деб уқтирди СССР Олий Советининг Раиси, Октябрь ғоялари рўёбга чиқарилиши натижасида халқларимизга кенг йўлга чиқиб олдилар, ўзларининг социал-иқтисодий ва маданий ривожланишида, маориф соҳасида анча илгари силжидилар. Миллий зиёлиларнинг вояга етганлиги, ҳар бир халқнинг, ҳар бир кишининг, ҳар бир миллат ва элат вакилининг қадр-қиммат туйғуси ривожланганлиги ҳам шу билан боғлиқдир.

Миллий зиёлиларнинг, шу жумладан илмий зиёлиларнинг катта отряди мавжудлиги шунга олиб келмоқдаки, ҳар бир халқ ўз илдизларини, ўзининг тарихий ўтмишини, ўзи ўтган ҳамма қийинчиликларни чуқур ўрганмоқда. Шундай бўлиши мутлақо тушунарли. Ҳар бир халқ ўз ўтмишини билишни хоҳлайди, у ҳозирги кун муаммосига қизиқиб қарайди ва ҳаётий шароитлар, маданият, тилнинг ривожланиши ва шу кабилар нуқтаи назаридан ўзининг келажагига назар ташлашни истайди.

Буларнинг ҳаммаси — жонли воқеликдир. Буларнинг ҳаммаси жўн эмаслиги, бу соҳада нақадар кўп муаммолар йиғилиб қолганлигини кўриб турибмиз. Табиийки, бу муаммоларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан ўзимизнинг масъулиятимиз даражаси билан белгиланади. Бу эса ҳозирги ютуқларимиз ва жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи шароитида, биз чинакам ленинча миллий сиёсат йўлига ўтиб олган қайта қуришнинг шу босқичида Миллатлар Советининг иши юксак даражада бўлишини тақозо этади. Буни қайта қуришнинг энг асосий соҳаларидан бири деса бўлади.

М. С. Горбачев СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлисини очиқ деб эълон қилади.

СССР Конституциясига мувофиқ, Миллатлар Советининг Раисини сайлаш тўғрисидаги масала палатанинг муҳокамасига қўйилади.

Таклиф учун сўз депутат **Р. М. Худойбергеновга** берилади. У Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан депутат Р. Н. Нишоновни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси қилиб сайлашни депутатлар муҳокамасига таклиф этади. Р. Н. Нишонов партия ва совет органларида катта иш тажрибасига эга, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари бўлиб сайланган, кўп йил дипломатия ишида бўлган Р. Н. Нишонов, деб таъкидлади депутат, ўзига ва ўз ходимларига нисбатан талабчан, принципиал, бошқаларнинг фикрига қулоқ сола оладиган, тўғри хулосалар чиқарадиган, меҳрибон ва сезгир инсон.

Саволларга жавоб қайтариш учун депутат **Р. Н. Нишоновга** сўз берилади.

Жумладан, депутат Фарғона водийсида рўй берган воқеалар тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб бундай деди: қирқ беш йил муқаддам ўзбеклар республикага кўчирилган месхети туркларини ота-ини ва опа-сингиллардек қабул этган эдилар, бемалол яшаш учун уларга ҳамма шароитни яратиб берган эдилар. Ҳозир Ўзбекистонда 60 мингга яқин месхети туркларининг яшаб турибди. Шундан 12 мингини Фарғона водийсидадир. Республика раҳбарияти уларга диққат-эътибор билан қарамоқда. Улар халқ хўжалигида, ижтимоий турмушда фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йилларда месхети туркларининг она юртларига қайтишга ижозат беришни талаб қилиб чиққан эдилар, кейинги вақтларда бу талаблар кучайди.

Тўқнашувлар оддий турмуш замирида бошланди. Дастлабки тўқнашувни бартараф этишга муваффақ бўлинди. Орадан бироз вақт ўтгач, партия ва совет органлари учун кутилмаган ёркин шароитда бир гуруҳ ўзбек ёшлари безорилик қила бошладилар, месхети туркларига ҳужум қилиб, уларни калтакладилар, уларнинг уйларига ўт қўйдилар. Воқеалар фожиали тугади: эллик киши ҳалок бўлди. Уларнинг кўпчилиги месхети туркларидир.

Бирмунча вақт аҳвол назоратсиз бўлди. Иттифоқ ва республика органлари зудлик билан кўрган чоралар вазиятни назорат остига олиш имконини берди. Месхети туркларининг бир қисми кў-

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ АРИЗАСИ ЮЗАСИДАН ҚАРОРИ

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Министрлар Советининг СССР Олий Совети олдида ўз ваколатларини соқит қилиш тўғрисидаги аризаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўртоқ Николай Иванович **Рижков** СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин ва унга СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилсин.

3. СССР Олий Совети янги СССР Министрлар Советини тузгунга қадар СССР Министрлар Совети ўз вазифаларини бажаришни давом эттирсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллатлар Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР 123-Ленинград миллий территориал сайлов округидан СССР халқ депутати Рафиқ Нишонович **Нишонов** Миллатлар Советининг Раиси этиб сайлансин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Геннадий Васильевич **Колбин** СССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб сайлансин.

МОСКВА. СССР Олий Советя Миллатлар Советининг биринчи мажлиси.

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

6 июнь куни СССР халқ депутатлари съезди қатнашчилари Коммунистик партия асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбарнинг қирмизи лентасига: «Владимир Ильич Ленинга СССР халқ депутатлари съездидан» сўзлари ёзилган.

Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).



АМАЛИЙ ЎЗГАРТИШЛАР ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

чирилди ва хавф-хатарсиз турибди. Тўқнашув бўлган районларда комендантлик соати жорий қилинди ва яхши тартиб таъминланмоқда. Республиканинг кўп миллатли аҳолиси номидан мен рўй берган ҳодисани қоралайдим, месхети туркларидан кечирим сўрадим, азият чекканларнинг қариндошлари ва ёр-биродарларига таъзия изҳор этдим, деб таъкидлади депутат. Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари зарур сабоқларни чиқариб олдилар ва бундай воқеа такрорланишига йўл қўймайдилар.

Р. Н. Нишоновнинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **Г. Сафиева, Е. Раҳмадиев, В. С. Шевченко, Г. С. Таразевич, Г. М. Магомедов, Э. В. Бичкаускас, Н. Н. Медведев** ва бошқалар қатнашдилар.

Мунозара давомида палата раисини сайлашда барча иттифоқдош республикалар депутатлари делегацияларининг раис номзодига розилиги принципини қўлланиш таклиф қилинади.

Овозга қўйилганда бу таклиф рад этилди.

Депутат Р. Н. Нишонов кўпчилик овоз билан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси этиб сайланади.

Шундан кейин мажлисда **Р. Н. Нишонов** раислик қилади.

Депутатларга Миллатлар Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, шунингдек, СССР Олий Советининг комитетларини тузишга оид таклифни муҳокама қилиш таклиф қилинади.

Шу масала юзасидан СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов**га сўз беради.

Шундай қилиб, СССР Олий Советининг тенг ҳуқуқли таркибий қисми бўлмиш Миллатлар Совети узил-кесил тузиб бўлинди, деб таъкидлади у. Бу палата миллий ишлар ва миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалаларнигина ҳал этиб қолмайди. Иттифоқ қарамоғидаги ҳар қандай масала шу палата орқали ўтади ва миллий тус олади. Улар асосан иқтисодий масалалар, бюджет масалалари, маданиятимизни ривожлантириш билан, аҳолига хизмат қилиш билан боғлиқ масалалардир. Халқаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам шу жумлага киради. Булар — давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи олий органи бўлмиш СССР Олий Совети шуғулланадиган жуда хилма-хил масалалардир. Жуда кенг миқёсдаги вазифаларни, жумладан, қонунчилик, бюджет соҳасидаги кўпгина масалаларни съезд каби кенг анжуманда ҳал этишнинг мутлақо имкони йўқ. Бу масалаларни бирмунча торроқ коллегия ҳал қилиши керак. Бу коллегия кўп жиҳатдан ўз вақтида Советларнинг съезди томонидан сайланадиган ленинча марказий ижроия комитетига ўхшайди.

Давлат ҳокимияти амалга ошириладиган бу организмда СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари жуда катта роль ўйнайдилар. Съездимиз президиуми Конституцияда белгилаб қўйилган йўл-йўриқларни амалга ошириб, етарли равишда кенг таҳлилий иш ўтказди. Биз таклифларни қўшимча равишда ишлаб чиқиб, ниҳоясига етказиш чоғида депутатларнинг ўз мулоҳазалари ва истакларини жуда синчиклаб эътиборга олдик.

Биринчидан, биз палаталарнинг состави нисбатан унчалик катта эмаслигига, ҳар бир палатада 271 депутат борлигига асосландик. Башарти, биз комиссиялар сонини ҳаддан ташқари кўпайтириб юборсак, ҳар бир комиссияда пропорцияга риоя этилишини, комиссия аъзоларининг ярмиси палата аъзоларидан ва ярмиси съезд составига кирувчи депутатлардан иборат бўлишини кўзда тутадиган зарур мувозанатни таъминлай олмаймиз.

Иккинчидан, шунга асосландикки, комиссиялар давлат бошқаруви тармоқларига мутлақ боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин эмас, акс ҳолда бу нарса уларнинг парламент вазифаларини бажаришларига халақит берган бўлур эди.

Учинчидан, комиссиялар ва комитетларнинг таркибида, шубҳасиз, кичик комиссиялар ва кичик комитетлар тузилади, улар турли масалаларни чуқурроқ таҳлил этиш билан шуғулланадилар.

Биз палаталар Оқсоқоллар кенгашининг мажлисида бир палатада комиссиялар тузилиши пайтида бошқа палатада ўзгача профилдаги комиссиялар иш кўришини эътиборга олиш хусусида умумий бир фикрга келдик. Комитетлар эса биргаликда тузилади. Яъни бу муаммога комплекс ёндашмоқ керак.

Иккала палата оқсоқоллар кенгашларининг мажлисида биз Олий Совет комиссиялари ва комитетлари қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги таклифларнинг бутун мажмуини синчиклаб муҳокама қилдик. Шундан кейин Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси бўлди. Унда ҳам бу масалалар жуда ўткир мунозара муҳитида батафсил муҳокама этилди.

Палаталарнинг ҳар бирида тенг миқдорда — тўрттадан доимий комиссия тузиш таклиф этилади. Шу билан бирга XIX партия конференциясида таъкидланганидек, палаталарни вазифаларини мавҳумлаштиришдан воз кечиш керак. Бунда умумхалқ манфаатларини ифодаловчи Иттифоқ Совети аввало умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масалаларга бутун диққат-эътиборни қаратиши, Миллатлар Совети эса миллатлар, элатлар, иттифоқдош республикалар, автоном ва бошқа тузилмаларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ўз қиёфасига эга бўлиши керак.

Иттифоқ Совети тузган баъзи комиссияларнинг номлари дастлабки нусхаларига нисбатан анчагина ўзгартирилди. Бу — шаклга бериш эмас, балки ишнинг умумиттифоқ моҳиятини бирмунча аниқроқ белгилаб олишга, яъни республиканинг ҳуқуқ доирасидан, регионал даражада юқорироқ поғонада ҳал этиладиган ва умуман иттифоқ томонидан ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг катта мажмуини бир жойга марказлаштиришга интилишдир.

Миллатлар Советининг доимий комиссияларига келганда, бу соҳада ҳам XIX партия конференциясининг хулосалари асос қилиб олинди. Бу палатада биринчи галда федерациямиз субъектларига, автоном тузилмаларга, совет миллатлари ва элатларини ривожлантиришга бевосита алоқадор бўлган масалалар ҳал этилиши лозим. Шу боисдан ҳам оқсоқоллар кенгашлари бу палатада миллатлараро муносабатлар комиссиясини биринчи ўринга чиқариб қўйишни таклиф қиладилар. Бу соҳада жуда кўп масалалар йиғилиб қолган, бугунги мажлисимизнинг ўзи ҳам бунинг далилидир. Жуда катта ва очиғини айтганда, жуда мураккаб иш қилиниши лозим бўлади.

Навбатдаги комиссия — иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни социал ва иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссиясидир. Буни план-бюджет комиссиясининг республикаларга оид бўлган миллий жиҳати деса бўлади. Бу иккала комиссия биргаликда ишлаши, аммо ҳар бири ўз нуқтаи назаридан иш кўриши мумкин.

Миллатлар Советининг бу комиссиясида бир неча кичик комиссия ҳам бўлади, чоғи. Жумладан, бу комиссияда мамлакатимиздаги оз сонли халқларни ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи махсус кичик комиссия бўлиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида гапирилди. Бу ўринда шу нарса айниқса сезилиб турибди. Жамики иқтисодий масалалар, хўжалик масалалари шу ерга тўпланмоқда, бу масалаларни айни шу кичик комиссияда ҳал этиш лозим.

Хўжаликнинг ҳозир яқиндагина эълон қилинган янги концепциясига мувофиқ республикалар қарамоғига тўла-тўкис бериладиган тармоқлари иши билан боғлиқ бўлган комиссия таъсис этиш таклиф қилинади. Буни халқ истеъмоли моллари, савдо, коммунал-маиший хизмат ва аҳолига бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи комиссия деса бўлади. Бу соҳадаги муаммолар ҳаддан ташқари кўп, уларни миллий муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан ҳам жуда пухта ўйлаб, ҳал қилишга тўғри келади.

Маданиятни, тилни, миллий ва миллатлараро анъаналарни ривожлантириш, тарихий ёдгорликларни сақлаш масалалари комиссияси — навбатдаги комиссиядир. Бу соҳада биз кўп миллатли маданиятимизнинг илдизлари ҳар ҳолда ҳар бир миллат ва элатнинг ривожланишига бориб тақалишига, кўп миллатли совет маданиятимиз мамлакатдаги барча халқларнинг маданиятидан таркиб топишига асосландик. Шундай қилиб, Иттифоқ Советида бўлганидек, Миллатлар Советида ҳам тўртта комиссия тузиш таклиф этилади.

Энди комитетлар ҳақида. Комитетлар иккала палата томонидан теппа-тенг асосда тузилиши маълум. Бу масалани палаталарнинг Оқсоқоллар кенгашларида, шунингдек Иттифоқ Советининг мажлисида муҳокама қилиш чоғида дастлабки режаларга муайян тузатишлар киритилди. Биринчидан, ҳам ташқи сиёсий, ҳам ташқи иқтисодий масалаларни қамраб оладиган, парламентлараро алоқалар билан, гуманитар ҳамкорлик масалалари билан шуғулланадиган халқаро ишлар комитетини тузиш таклиф қилинади.

Сўнгра — мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети керак. Бу масалалар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғлиқки, уларни бир-бирига бирлаштириш керак. Чет эллардаги ҳамма парламентларда бўлгани каби бу комитетнинг статуси алоҳида характерга эга бўлади.

Қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети — навбатдаги комитетдир. Ҳуқуқий масалалар билан шуғулланадиган асосий комитет мана шу комитет бўлади. У қонун лойиҳалари тайёрлаш ишлари билан энг кўп шуғулланиб, қонунлардаги ибораларни, қоидаларни қиёмига етказади, бироқ, у қонунчиликдаги ишларнинг аҳволи билан, ҳуқуқ-тартибот билан боғлиқ бўлиши жуда муҳимдир.

Кўпгина депутатларнинг фикрлари асосида халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитетини тузиш таклиф этилади. Бундай комитет жуда зарур. Чунки, Олий Совет — мамлакатимиз Советлари бутун эҳромининг чўққисидир, шу сабабли бу ерда кўпдан-кўп жуда мураккаб масалалар ҳал этилиши лозим.

Навбатдаги комитет иқтисодий ислоҳот масалалари билан шуғулланади. Бу комитет депутатларнинг таклифига биноан тузилди.

Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитетини таъсис этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Биз бу комитет мазкур соҳада қонунлар ишлаб чиқиш билангина шуғулланиб қолмай, айни вақтда тегишли идоралар устидан назорат қилиб ҳам турадиган умумпарламент комитети бўлиши керак, деган хулосага келдик.

Қурилиш ва архитектура масалалари комитетини тузиш ҳам белгиланди.

Фан, халқ таълими ва тарбия ягона комитетини, халқ соғлиғини сақлаш комитетини, хотин-қизлар ишлари, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Нотиқ ветеранлар ва инвалидлар ишлари, ёшлар ишлари, экология, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари, ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари ҳамда ариза ва шикоятлари масалалари комитетларини тузишни ҳам таклиф қилди.

Бирон-бир масала билан шуғулланадиган бир галги турли комитет ва комиссияларни тузишга ҳам эҳтиёж бўлади, албатта. Съезд конкрет жорий масалалар юзасидан учта комитет тузди. Шу муносабат билан, менимча, баъзи депутатлар ҳозир тузиладиган комитетлар ва комиссияларнинг миқдорини аниқ белгилаб қўйишга шошилмаслик кераклиги ҳақида гапирдилар. Заруратга қараб уларнинг профилини эпчиллик билан ўзгартириш ҳуқуқини сақлаб қолиш керак.

Комиссия ва комитетлар, деб таъкидлади нотиқ, бир-бирлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қиладилар, сессиялар ўртасидаги даврда Олий Совет ва уларнинг палаталари бутун ишини мустаҳкамлайдилар, назорат қилувчилик, қонун чиқарувчилик вазифаларини фаол бажарадилар. Шу тариқа улар олий ваколатли органимизнинг бутун ишига муҳим ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Шундан кейин А. И. Лукьянов депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Муҳокамада депутатлардан **Г. Г. Гумбаридзе, В. А. Амбарцумян, М. Л. Бронштейн, В. И. Белов, Н. В. Нейланд, Т. К. Исмоилов, С. У. Каллас, Й. О. Бишер, Б. Т. Палагнюк, Р. Г. Салуквадзе, А. И. Дубко, А. А. Лиханов, В. С. Адвадзе, Б. Раҳимова, Л. И. Батинская ва бошқалар қатнашдилар.**

Миллатлар Совети палатанинг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масалани шунингдек, СССР Олий Советининг комитетларини тузиш масаласига оид таклифларни кўриб чиқди.

Шу билан Миллатлар Советининг биринчи мажлиси тугади.

* * *

7 июнь куни Москвада, СССР Олий Совети палаталарининг Кремлдаги мажлислар залида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси бўлди.

СССР Олий Совети Раиси **М. С. Горбачев** мажлисни очар экан, СССР Олий Совети аъзоларини мунтазам иш бошлангани билан қутлади.

Раислик қилувчи СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этилган СССР Министрлар Советининг СССР Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ СССР Министрлар Совети ўз вазифалари ниҳоясига етди, деб ҳисоблаётгани ва у янги сайланган СССР Олий Совети олдида ўз ваколатларини соқит этиш тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттирди.

Депутатлар СССР Министрлар Советининг аризасини маълумот учун қабул қилдилар.

СССР Конституциясига мувофиқ, СССР Министрлар Совети Раисини тайинлаш учун номзодни СССР Олий Совети Раиси СССР Олий Советига тақдим этади.

Шунга мувофиқ **М. С. Горбачев** сўз олади. КПСС идора этувчи партия сифатида жамиятда тутаётган реал мавқеини ҳисобга олиб, деди у, Марказий Комитет аъзолари билан СССР Министрлар Совети Раиси лавозимига номзод хусусида маслаҳатлашув бўлди. КПСС Марказий Комитети бу масалани муҳокама қилди ва мен тақдим этган таклифни қўллаб-қувватлади. Бу таклиф матбуотда эълон қилинган.

Ўзимнинг теран эътиқодим ва партия Марказий Комитетининг фикрига таяниб (бу таклиф халқимизнинг, депутатларнинг ҳам фикрини акс эттиради, деган умиддаман), мен ўртоқ Николай Иванович Рижковни СССР Министрлар Совети Раиси этиб тайинлашни таклиф қиламан.

Мен партия группасида депутатларга айтганларимга, деб сўзини давом эттирди М. С. Горбачев, қуйидагиларни илова қилишим мумкин: Н. И. Рижков номзодини таклиф этар эканман, бир қанча принципиал мулоҳазаларга асосландим.

Биринчидан: ўзининг сиёсий, амалий, инсоний ва маънавий фазилатларига кўра ўртоқ Рижков уни яна СССР Министрлар Совети Раиси этиб тайинлашга муносибдир.

Иккинчидан: ўртоқ Рижков биз партиямиз, умуман жамиятимизда қайта қуришни амалга ошириш, социалистик жамиятни янгилаш зарур деган хулосага келганимизда у инсон, коммунист, давлат арбоби сифатида намоён бўлди, ўртоқ Рижков ана шу йўлга принципиал содиқ бўлган, қатъий принципиал позицияларда турган инсондир, у —қайта қуриш ва жамиятимизни янгилаш сиёсатининг эътиқодли тарафдоридир. Шу йиллар ичида ана шу жараёнларни авж олдириш учун қилинган барча ишлар кўп жиҳатдан унинг шахсий ҳиссаси билан боғлиқдир. Бу ўринда Н. И. Рижков мамлакатдаги аҳволни яхши тасаввур этаётганлиги, чамаси, катта аҳамиятга эгадир чунки унинг шу давргача бўлган ҳаёти мамлакат қандай аҳволда эканлигини уқиб олишга ёрдам беради.

Н. И. Рижков умрининг анчагина йиллари саноатдаги иш билан бевосита боғлиқ бўлган. У оддий ишчи бўлиб ишлади, сўнгра беш йил «Уралмаш»нинг бош инженери, беш йил «Уралмаш»нинг бош директори бўлди. Кейинчалик эса Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигида ишлади, тўрт йил СССР Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлди, кейинчалик КПСС Марказий Комитетида ишлади. Шундай қилиб, тажриба орттириш, жамиятимизда содир бўлаётган жараёнларни тушуниб олишини шакллантириш учун унда имконият туғилди. Шу тажриба шарофати билан Н. И. Рижковда қайта қуриш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этишдек эзгу-истак пайдо бўлди.

Ўртоқ Рижков тимсолида биз, мен алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, қайта қуриш йўлига садоқатли бўлган инсонни кўриб турибмиз. Бу — катта аҳамиятга моликдир.

Агар демократия жараёнлари жамиятимизнинг барча соҳаларини режали тарзда қамраб олиб кенг ёйилиб боравермаса, қайта қуриш тўхтаб қолади. Н. И. Рижков тимсолида биз демократияга содиқ инсон ва раҳбарни кўриб турибмиз. Мамлакатимизда демократияни, ошкораликни ривожлантириш, сиёсий жараённи, сиёсий ислоҳотни авж олдириш, қайта қуриш даврида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш соҳасида қилинган барча ишларни Николай Иванович принципиаллик билан қўллаб-қувватламоқда. Бу эса экономикага дахлдор ҳужжатларни ишлаб чиқишда акс этган. Экономика соҳасига тааллуқли таклифлар, ҳужжатларнинг асосий ўзаги — ҳарқалай демократиялашдир. Экономикамизнинг бош бўғини бўлган корхона тўғрисидаги Қонун СССР Министрлар Советининг ташаббуси билан ишлаб чиқилганида ҳам демократиялаш намоён бўлди. Шунинг ўзи ҳам муҳимдир. Ҳозиргача, одатда ислоҳотлар юқоридан, юқори эшелонлардаги бирон-бир қадамлардан бошланар эди ва булар корхонага етиб боргунича кўпинча шиддатини йўқотар, абгор бўлар эди.

Н. И. Рижковнинг демократизми яна шунда ҳам намоён бўлдики, у иттифоқдаги, бизнинг мураккаб халқ хўжалик комплексимиздаги муносабатларимизни уйғунлаштириш учун, табиийки, асосий позицияларни марказда қолдириб, экономикани маҳаллийлаштириш учун актив курашмоқда. Бу борада кўпгина ҳужжатлар ишлаб чиқилди, бошқалари тайёрланмоқда. Бу ҳужжатлар республикаларга, уларнинг мустақиллигига, уларнинг суверенитетига реал мазмун бахш этишга тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар маҳаллий Советларга дахлдордир, бу ҳам жуда муҳим масаладир, бусиз Советларнинг ҳокимияти тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Николай Иванович бундай ёндашувга фақат қўшилибгина қолмай, ана шундай ҳужжатларни тайёрлаш ишига бошчилик ҳам қилмоқда.

Н. И. Рижковнинг демократизми яна шунда намоён бўлдики, у турмуш, экономика, социалистик мулкчиликни ташкил этишнинг янги ёндашувлари, янги формаларининг фаол тарафдоридир. Бу — кооператив ҳаракатни ривожлантиришда, ижарага дахлдор муҳим қарорларда ва бошқа қарорларда намоён бўлди.

Гарчи бу беш йиллик планига кўп жиҳатдан турғунлик йилларининг муҳри босилган бўлса ҳам (чунки биз экономикамизни уқиб олишга эндигина уринган эдик ва шу уқиб олиш асосида янги ечимлар ва ёндашувларни излаётган эдик), деб таъкидлади М. С. Горбачев, аммо шу беш йиллик планни ишлаб чиқишда муҳим ғоя, яъни экономикамизни инсон томонига йўналтириш, экономикамизни социал сиёсатга буриш ғояси асос қилиб олинган эди. Бу ҳам СССР Министрлар Советининг ва унинг Раисининг позициясидир.

Ўртоқ Рижковга шундай таъриф берар эканман, деб сўзини давом эттирди М. С. Горбачев, айни вақтда мен шуни айтмоқчиманки, (ва мен бу ҳақда докладда гапирган эдим) жами ишлар ҳам ўйланганидек адо этилмади. Бунинг устига жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Лекин назаримда бу ҳаммамиз учун, аввало, ҳукумат учун жиддий сабоқ чиқариб олиш учун йўл-йўриқдир, қайта қуриш чоғида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш, нуқсонларни тугатиш ва экономикамизни тараққиёт йўлига чиқариб олиш учун ёндашувлар ҳамда ечимларни ишлаб чиқиш учун йўл-йўриқдир, бу ана шу ҳақда гапиришга имкон беради.

Н. И. Рижков — ўзига ўзи танқидий баҳо берадиган, ҳукумат фаолиятининг натижаларига партиявий муносабатда бўладиган инсондир. Ҳозир бизнинг ишончимиз билан, Олий Совет ишончи билан КПСС Марказий Комитети ишончини мустаҳкамлаш, уни СССР Министрлар Совети Раиси этиб тайинлаш ва шундай қилиб, унинг планлари бундан буён ҳам рўёбга чиқиши учун йўл қўйилган нуқсонларни тузатиб, ўтмишдан сабоқ чиқариб олиш учун имконият бериш муҳимдир.

Шундан кейин **Н. И. Рижков** депутатларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтарди.

Мен, деди у, жумладан, Министрлар Совети КПСС XXVII съезди ва XIX партия конференциясининг иқтисодий стратегиясини амалга ошира бориб стратегик жиҳатдан нуқсонларга йўл қўймади, деб биламан. Бироқ айрим масалаларда халқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган камчиликлар бўлди. Чунончи, бир қанча қонунларда нуқсонлар борлиги сезилди, бу эса уларни муайян тарзда қайта кўриб чиқишни талаб этади. Кўпгина камчиликлар маъмурий буйруқбозликдан иқтисодий методларга ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари сабабли рўй бермоқда. Аввалги ёндашувларни қўлланиб, эҳтимол баъзи узилишларга йўл қўймаслик мумкин эди, бироқ шундай қилинса иқтисодий ислоҳотнинг замирига путур етказилган бўлур эди.

Мен бир йил давомида мамлакат экономикасида туб бурилишлар бўлади, деб ваъда беролмайман, деди ўзининг жавобларида Н. И. Рижков. Келгуси йил мобайнида истеъмол бозорида вазиятнинг муайян даражада яхшиланишини кутиш мумкин, деб ўйлайман.

Нотиқ саволларга жавоб қайтариб, ўзининг улкан қурилишларга принципиал қарши кайфиятда эканлигини айтди. Халқ хўжалиги учун бирмунча ихчам, экономика ва истеъмол бозорининг эҳтиёжларига яхшироқ мослашадиган ўртача ва кичик корхоналар зарур. Бироқ энергетикани ривожлантиришга ғоят эҳтиёткорона ёндашиш лозим, чунки энергетика иқтисодий ўсишнинг пойдеворидир. Бир вақтлар йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, тасдиқланган энергетика программасига муайян ўзгартишлар киритиш керак.

Н. И. Рижков мулк формаларига муносабатни аста-секин ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлашни унинг пировард натижаларига кўпроқ боғлиқ қилиб қўйиш йўли билангина соҳиблик туйғусини қайта тиклаш мумкин, деди. Бунда хўжалик ҳисоби пастдан юқорига, тармоқ министрликлари ва идоралари сонини қисқартириш билан баравар амалга оширилади.

Депутат территориал хўжалик ҳисоби, мамлакатнинг айрим республикалари ва регионларининг социал иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бутун бир комплекс масалаларни тилга олди. Биз, деди у, ҳар бир иттифоқдош республикага жорий ва жаҳон нархларида нима олиб келиниши ва у ердан нима олиб чиқиб кетилиши тўғрисида иқтисодий ҳисобот тайёрладик. Келгуси даврда ҳисобга олиш лозим бўлган объектив манзарага эга бўлдик. Аммо энг муҳими — биз ягона халқ хўжалиги комплекси шароитида яшаяпмиз. Иқтисодий ислоҳот территориал хўжалик ҳисобисиз олға силжий олмайди. Хўжалик ҳисоби механизмини ишлаб чиқишда иттифоқдош республикаларнинг вакиллари қатнашдилар, депутатлар съездда ўртага қўйган таклифлар диққат билан ўрганиб чиқилади ва ҳисобга олинади. Территориал хўжалик ҳисоби айрим иттифоқдош республикаларнинг зарар кўриб ишлаётганлиги мезонлари тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиши керак. Агар илгари улар бюджетининг балансланган бўлиши мамлакат бюджетининг балансланмаганлиги билан мувофиқлаштирилган бўлса, эндиликда давлат бюджети камомадининг бир қисми иттифоқдош республикаларга баббаравар тақсимланади. 1991 йилдан бошлаб республикаларнинг хўжалик ҳисобига ўтказилиши мўлжалланмоқда, хўжалик ҳисобининг энг муҳим жиҳатларини тажриба тариқасида келгуси йил бир қанча республикаларда пишиқтириш керак.

Н. И. Рижков аҳоли камбағал табақаларининг аҳволига тўхталиб, мамлакатнинг 15 процент аҳолиси бугунги кунда киши бошига ойига 75 сўмдан тўғри келадиган камбағаллик даражасида яшаётганлигини айтди. Булар, энг аввало, пенсионерлар ва кўп болали оилалардир. Бўлажак ҳукумат уларнинг фаровонлигини яхшилаш йўллари тўғрисида ғоят жиддий ўйлаши зарур. Министрлар Совети айрим регионларни озиқ-овқат билан таъминлашдаги номутаносибликларни билади ва уларни тугатиш чораларини кўрмоқда. Бироқ агросаноат комплекси ишини кескин яхшилаш асосий вазифа бўлиб қолади.

Н. И. Рижков саволлардан бирига жавоб қайтариб, ҳозир жорий беш йиллик режаларини қайта кўриб чиқиш зарурлигига шубҳа билдирди, чунки бу экономикани изидан чиқариши мумкин. Беш йиллик тугашини кутиш зарур ва шундан кейингина туб қарорлар қабул қилиш лозим. Сўнгра у СССРнинг яқинда қабул қилинган қонунларига зид бўлган идораларга қарашли актларни бекор қилиш соҳасида катта ишлар олиб борилаётганлигини маълум қилди.

Халқ хўжалиги компьютерлар билан таъминланаётганлиги натижасида кейинги вақтда бу соҳада катта ижобий силжишлар рўй бераётганлиги маълум қилинди. Ҳисоблаш техникаси ва информатика давлат комитетининг ишини кескин активлаштириш лозим.

Капитал қурилишга ажратилаётган жуда катта маблағларни социал мақсадларга сарфлаш зарур эмасми деган саволга келгуси беш йилликда айни шундай қилиш мўлжалланмоқда, деб жавоб берилди. Аммо халқ хўжалигининг ривожланиши учун ғоят зарур бўлган тармоқларда пасайиб кетишга йўл қўймаслик учун пухта ўйлаб ҳаракат қилиш зарур. Ялпи ёндашувдан, экономикани ривожлантиришнинг кўп харажат талаб этиладиган усулларидан қатъиян воз кечиш керак. Бунинг учун мавжуд хўжалик механизмидаги камчиликларни тугатиш даркор. Ҳукумат ҳозирча социал жиҳатдан арзон нархларни сақлаб туриш учун давлат дотацияларини беришдан фойдаланмоқда.

Н. И. Рижков саволларга жавоб қайтариб, давлат экология программаси ишлаб чиқилаётганлигини маълум қилди. Мазкур программа мамлакатнинг 104 та шаҳридаги энг мураккаб вазиятни ўз ичига олади. У ҳукумат Оролни сақлаш, ҳеч бўлмаганда унинг ҳалокатини тўхтатиш чораларини кўраётганлигини ҳам айтди.

Н. И. Рижков кооператив ҳаракатнинг бир қанча жиҳатларига тўхталиб, идеология соҳасида бундай ҳаракат фақат муайян давлат органларининг раҳбарлигида амал қилиши мумкин, деди.

У бюджет маблағлари сарфланиши устидан депутатлик контролини кучайтириш, корхоналар уюшмалари тарзида хўжалик тузилмаларини ташкил этиш зарурлигини айтди. Ҳукумат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва техникавий даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга интилаётганлиги ҳам таъкидланди. Н. И. Рижков қишлоқни ривожлантириш муаммолари тўғрисида гапириб, бундай деди: бу борадаги реал йўл — иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, моддий базани янада такомиллаштириш, социал масалаларни устун тарзда ҳал этишдан иборат.

Шундан кейин мажлис қатнашчилари СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига Н. И. Рижков номзодини муҳокама қилишга ўтдилар.

Депутат **П. А. Друзь** қайта қуришнинг ўткир ва масъулиятли даврида ҳукуматнинг муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Бизнинг умумий фикримиз, деди у, Кузбасс вакиллари номидан — ҳукуматга Н. И. Рижков бошчилик қилиши керак. Депутат биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни тилга олди. Унинг фикрича, бир қанча министрлар ўзлари бошчилик қилаётган тармоқларнинг нормал ишлашини таъминламадилар, мамлакатнинг хўжалик механизми ҳали дуруст ишламаяпти, ҳукумат ўз ишини қайта қуриши ва бошқарувнинг бюрократик аппаратига амалда барҳам бериши керак.

Депутат **Ю. Т. Комаров** Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. У асли аппарат ходими эмас, балки ишлаб чиқаришдан чиққанлиги ва унинг тажрибаси ҳозир айниқса муҳим эканлиги менга ғоят манзурдир, деди нотиқ. Айни вақтда у давлатни иқтисодий ривожлантириш тўғрисида, тармоқларни бошқариш системасини такомиллаштириш ҳақида танқидий фикрлар ва конкрет фикрлар айтди.

Ҳукуматимиз айрим қарорларни қабул қилар экан, олға томон бориш йўлларини ҳисобга олмайди, деган таассурот туғилади, деди депутат **А. К. Милосердний.** Бу қарорлар ҳамиша ҳам пул, моддий ресурслар билан таъминланади, деб бўлмайди. Нотиқнинг фикрича, иқтисодий ислоҳот экономикани олға силжитмади, айрим масалалар соҳасида аҳвол қийинлашди.

Нотиқ компьютерлаштириш масалаларига тўхталиб, мактаблар, олий ўқув юртлари, техникумлар мана шу техника билан яхши таъминланмаганлигини айтди. У Н. И. Рижков номзодини қўллаб-қувватлади ва ҳукумат кўпгина масалаларни янада зўр ғайрат билан ҳал этиши керак деган истак билдирди.

Депутат **Г. С. Игитян** ғоят қийин вазиятда Н. И. Рижков арман халқи учун кўп иш қилганлиги сабабли унга миннатдорчилик изҳор қилди. Нотиқ СССР Министрлар Совети Раиси лавозимига унинг номзодини қўллаб-қувватлади.

У Арарат водийсидан химия корхоналарини олиб чиқиб кетишни ҳам илтимос қилди.

Мамлакатда илмий-техникавий устунликлар юзага келтирилди, деди депутат **В. И. Трефилов.** У ҳозирги вақтда ана шу йўналишларда кучлар жамлана бошлаганлигини айтди. Шундай қилинмаса, иқтисодий қийинчиликларни ҳал этиб бўлмайди. Нотиқ депутатлар қайта қуриш дарғаси М. С. Горбачевга тўла ишонч билдирилганликларини таъкидлаб, уларни бугунги кунда қайта қуришга содиқ бўлган одамларни танлашда унга ёрдам беришга даъват этди.

Депутат **К. Д. Лубенченко** ўз нуқтаи назарини баён этиб, социалистик корхона тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги қонунга ва бошқа қонунларга асос қилиб олинган бюрократик тўсиқлар хусусида етакчи мутахассислар, хўжалик ходимлари, иқтисодчилар, юристларнинг таклифларига Министрлар Советининг мутлақо эътибор бермаганлиги биз бирон нарсани назардан қочирганлигимиз, тажрибамиз йўқлиги оқибати эмас, балки биз ана шу қонунларда тартибга солишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини сақлаб қолишга онгли равишда ва аниқ мақсадни кўзлаб интилганимиз оқибатидир, деди. Акс ҳолда ана шу қонун актлари умумий гап-сўзлар ва ташвиқот шиорлари билан тўлиб-тошганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу қонунларда, жумладан нохуш иқтисодий натижаларга олиб келадиган қарорлар учун министрликлар ва идоралар жавобгарлигининг юридик шакли йўқ. Нотиқ Н. И. Рижковга съездда нутқ сўзлаш чоғида ўзини шундай намоён этишини маслаҳат бердики, депутатлар уни ўзининг равшан ва қатъий позициясига эга бўлган киши, деб билсинлар.

Ҳукумат бошлиғининг номзодини муҳокама этиш чоғида нуқсонларни санаб ўтишдан иборат сийқа йўлдан бориш ҳаммадан кўра осондир, деди депутат **Т. К. Исмоилов.** Аммо биз танқид борасида барча нормаларни ошириб бажардик, амалий таклифлар соҳасида эса машъум тақчилликни сезяпмиз. Нотиқ камчиликлар учун бутун айбни ҳукумат зиммасига юклашга уринаётган кишиларнинг фикрига қўшилмаслигини билдирди. Қолоқликнинг сабаби кўп жиҳатдан шундаки, ҳаммамиз ҳам ишларимизни қайта қура олмадик, янги шароитларда ишлашни, мустақил фикрлашни ўргана олмадик. Н. И. Рижков қайта қуришнинг фаол курашчиларидан бири, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кишидир, зотан у мамлакат учун қийин бўлган ҳозирги пайтда яна ҳукумат бошлиғи этиб тайинланишга муносиб, деб таклиф қилди депутат.

Касаба союзларидан сайланган депутатлар Министрлар Советининг Раиси лавозимига номзод хусусидаги таклифни синчиклаб кўриб чиқдилар ва уни қўллаб-қувватлашга қарор бердилар, деб маълум қилди депутат **Н. Н. Гриценко.** У ушбу таклиф фойдасига далиллар келтириб, бу лавозимда билимдон мутахассис, демократик, халқ учун очиқ, одамларнинг обрў-эътиборига, ишончи ва хайрихоҳлигига сазовор раҳбар бўлиши керак, деди. У ҳар жиҳатдан ишончли, бажарилган ишларни ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил эта биладиган раҳбар бўлиши лозим. Съезд арафасида мамлакат касаба союзлари вакилларининг Н. И. Рижков билан учрашуви ўтказилган эди. Унинг позицияси номзод юксак талабларга мувофиқ, деб айтиш имконини беради. Депутат бўлғуси ҳукуматга бир қанча наказлар ҳам берди, жумладан янги ҳукумат сиёсатнинг социал йўналишини кучайтириши, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳаракатни яхшилаши керак.

Татаристондан сайланган депутат **М. Т. Мухаметзянов** ҳукуматнинг бўлажак бошлиғига қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг пенсия таъминотига кўпроқ эътибор бериш истагини билдирди. У Татаристан хўжаликларида тўпланган тажрибани ўртоқлашди, бу ерда совхозларнинг район агросаноат бирлашмаларидан чиқиши туфайли хўжаликларнинг социал фондини тўлдириш, бинобарин эса ходимларнинг пенсияларини ошириш имконияти ҳам очилди. Аммо, деди нотиқ, совхозлар бир оброкдан қутилиб, тез орада бошқа бир кишанга солиниши мумкин —янги ташкил этилган аграр-саноат бошқарув хизматларига фойдадан ажратмалар тўлаши хавфи бор.

Депутат **А. И. Чабанов** СССР Министрлар Советининг бўлғуси Раиси номзодини муҳокама этишнинг боришидан қониқмаётганлигини билдирди. Жумладан, депутатларнинг саволларига жавобларда мамлакатдаги иқтисодий аҳвол тез яхшиланишига кафолатларнинг йўқлиги унга маъқул бўлмади. Ҳукумат ҳатто жадаллаштириш омилини унутиб қўйиб, бизни шу беш йилликда ҳозир амалда бўлган қонунларгина эмас, балки нохуш тенденциялар ҳам сақланиб қолиши билан юпатди, деди нотиқ.

Депутат **А. Н. Саунин** муҳокама тартиби хусусида ўз фикрини билдириб, СССР Олий Совети ҳукумат программасини ва унинг составини кўриб чиқишдек муҳим масала юзасидан мунозараларга кўпроқ вақт ажратиши керак эди, деди.

Ўзини таништирмаган бир депутат аёл Н. И. Рижковнинг номзодини қўллаб-қувватлаб, уни аввало юксак инсоний фазилатлари учун, мамлакат аҳолисининг барча табақалари ҳақидаги ва айниқса хотин-қизларнинг тақдири тўғрисидаги ғамхўрлиги учун ҳурмат қилишини айтди. Айни вақтда депутат қишлоқ хўжалигида ва биринчи навбатда пахтачиликда нарх белгилаш системасини такомиллаштириш зарур, деган фикрни билдирди. Бу соҳада ишлаётган жуда кўп меҳнатчилар камбағаллик бўсағасидан ҳам паст даражада кун кечирмоқдалар, деди у. Ўзбекистондаги сайловчиларим бу долзарб саволга жавоб кутмоқдалар.

Сўнгра бир қанча депутатлар иш тартиби масалалари хусусида қисқача луқмалар билан чиқишди.

Музокарани тўхтатиш тўғрисида таклиф киритилди. Ҳар иккала палата аъзолари бу таклифни кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватладилар.

Шундан кейин Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги масала овозга қўйилади. СССР Олий Совети иккала палатаси аъзоларининг кўпчилиги Н. И. Рижковнинг СССР Министрлар Совети Раиси этиб тайинланишини ёқлаб овоз бердилар, бунда 9 киши қарши овоз берди ва 31 киши бетараф қолди. Н. И. Рижковга СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилди.

СССР Олий Совети СССР Министрлар Советига СССР Олий Совети то СССРнинг янги Министрлар Советини тузгунга қадар ўз вазифаларини бажаришни давом эттиришни топширди.

Н. И. Рижков сўз олади. Ҳурматли халқ депутатлари, деди у, сизлар мени СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига тайинлаб, ҳозир мени қўллаб-қувватлаганликларингиз учун сизларга самимий миннатдорчилик билдираман. Ҳозир ҳукумат бошлиғи зиммасига қандай мажбуриятлар юкланаётганлигини жуда яхши тушунаман. Биз ҳозир қандай мураккаб даврда яшаётганлигимизни жуда яхши тушунаман. Лекин мен фақат олға томон ҳаракатгина жамиятимиз олдида турган ўша етилган вазифаларни ҳал этишимизга имкон беришини ҳам жуда яхши тушунаман.

Сизлар тасдиқлайдиган янги ҳукумат мамлакатимиз олдида, ҳар бир совет кишиси олдида турган муаммоларни ҳал этиш учун бутун кучини сарфлайди, деб ўйлайман. Афтидан, бу мушкул йўл, мушкул иш бўлади. Мен мамлакатимиз халқ депутатларининг, эндиликда депутатларнинг эски корпусидан мутлақо фарқ қиладиган депутатлар корпусининг ёрдамига умид боғлайман. Мен депутатларнинг ақл-заковати ва донишмандлигига умид қиламан. Мен совет халқимизнинг катта мададига умид қиламан ва ўзимнинг бутун кучимни унга хизмат қилишга бағишлайман.

СССР Олий Совети сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

• *Партия турмуши: идеология ва ҳаёт*

2. ҚАЙТА ҚУРИШГА «ДАХЛСИЗ» СОҲА

ОММА ВА АТЕИЗМ УЙИ ОРАЛИҒИДАГИ БЎШЛИҚ

РЕСПУБЛИКА илмий атеизм уйи ва унинг область филиаллари фаолияти билан боғлиқ камчилик ва нуқсонлар бир неча йиллар давомида тўпланиб, муаммоларга айланган. Айниқса бугунга келиб, бу муаммолар янада кескин тус олдики, эндиликда уларни четлаб ўтишнинг иложи бўлмай қолди. Шу нуқтаи назардан қараганда, атеизм уйлари билан омма ўртасидаги бўшлиқнинг тобора кенгайиб бораётгани, атеизм уйларининг жамиятда тутган ўрни ва роли сезилмаётганининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Жумладан, республикамиздаги бирорта илмий атеизм уйи ўзининг замонавий биносига эга эмас. Уларнинг ҳаммаси мослаштирилган эски масжидлар ўрнида жойлашган ёки турли ташкилот ва муассасаларнинг вақтинча бўш ётган хоналарига кўчиб кирадилар. Уларнинг деярли ҳаммасида ходимларнинг бемалол ишлашлари учун оддий шароит ҳам йўқ: телефон, газ ҳали етиб бормаган, қиш ойларида эса совуқдан хоналарда ўтириб бўлмайди.

Идеологиянинг муҳим ва нозик соҳаси бўлган атеистик тарбия ишини тубдан қайта қуриш учун, аввало, шу соҳада меҳнат қилаётган кадрларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилиши ва атеизм уйларининг мустақиллиги таъминланиши лозим. Шу боис ҳар бир область марказида ихчам, бежирим илмий атеизм уйлари, уларнинг қошида эса атеизм музейлари бунёд этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунончи, ҳар бир областда дин билан боғлиқ кўплаб тарихий жойлар бор. Бу жойларни муқаддас билиб, ҳозир ҳам юзлаб одамлар сиғингани боришади. Ҳолбуки, одамлар ўша жойларнинг тарихини билмайдилар. Агар ана шундай турли «авлиёлар», «муқаддас жойлар»нинг пайдо бўлиши, тарихи илмий асосланган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар атеизм музейларидан ўрин олса, ҳар хил миш-мишларга, ортиқча илоҳий тушунчаларга барҳам бериларди. Қолаверса, атеистик тарбия ишида омма орасида ушбу мавзуда ўнлаб лекциялар ўқиш, тушунтириш ишлари олиб боришдан кўра бу кўпроқ наф келтириши шубҳасиз.

Атеизм уйлари ва музейларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш учун уларни областлар марказларининг одамлар гавжум бўладиган жойларида ташкил этиш лозим. Мана шунда шаҳарга турли юмушлар билан келган одамлар атеизм музейларини кириб кўриш имкониятига эга бўладилар. Акс ҳолда Андижон область илмий атеизм уйи каби улар ҳам одамлар эътиборидан четда қолиб кетиши ва кутилган самара бермаслиги мумкин.

Яна бир муаммо: атеизм уйларида ишлаб шу соҳа бўйича илмий иш қилаётган кадрлар кандидатлик диссертациясини ёқлашлари биланоқ бошқа ишга ўтиб кетадилар. Шунинг учун ҳам бу ерда малакали кадрлар етишмайди. Бунинг асосий сабаби — атеизм уйи ходимининг илмий даражаси ошганидан кейин ҳам унинг фаолиятида ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлмайди. Яъни маоши ўша 100 сўм атрофидалигича қолади. Зеро, у олий ўқув юртида дарс берса бунга нисбатан уч-тўрт баробар кўп маош олиши мумкин.

Умуман, республика илмий атеизм уйи ва унинг область филиалларида меҳнат қилаётган нафақат илмий даражаси бўлган кадрларнинг, балки оддий ходимларнинг ҳам ҳозирги аҳволи бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Улар учун ҳеч қандай шароит яратилмагани ҳақида ўнлаб факт ва мисоллар келтириш мумкин. Лекин бу ўринда шу пайтгача, яъни 30 йил давомида атеизм уйи ходимларининг бирортасига республика миқёсида фахрий ёрлиқ ёки эсдалик совғаси тақдим этиш у ёқда турсин, ҳатто раҳмат ҳам айтилмаганини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Ходимларни уй-жой билан таъминлаш ва бошқа социал муаммоларини ҳал этилгани тўғрисида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, узоқ йиллар давомида бу соҳа кадрларини танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишга панжа орасидан қараб келинган. Шунинг учун ҳам атеизм уйлари ходимлари орасида ислом дини ва унинг тарихини чуқур биладиган бирорта фан доктори йўқ. Ҳозир атеизм уйлари ходимларининг 80—85 проценти ўз соҳаси бўйича пухта назарий билимга эга эмас. Ўз-ўзидан маълумки, улар диндорлар билан баҳс, мунозара юрита олмайдилар. Шу боис кадрларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан қуроллантиришга, марксизм-ленинизм асарларидан тортиб, то Қуръон ва бошқа диний манбаларгача пухта ўзлаштиришига эришиш зарур. Зеро, ғоявий рақибнинг қандай қуролланганини билмасдан туриб, унга қарши бориш, кўз юмиб жангга киришдай гап. Биз аввало ғоявий жангчиларимиз—атеист лектор ва пропагандистларимизнинг кўзини «очишимиз» яъни, «таъқиқланган» барча диний китобларни кўпайтириб, биринчи галда уларнинг ихтиёрига беришимиз лозим.

Маълумки, бир нарсани бошқа нарсага қиёслагандагина унинг қадри, қиммати яққолроқ билинади. Шундай экан атеизм уйи ходимлари, атеист лекторлар ва пропагандистлар диний китоблардаги фикрлар билан марксизм-ленинизм ғояларини таққослаб асосли равишда одамларга тушунтириб беришлари керак. Аммо шу пайтгача бундай қилинмади. Атеистик мавзудаги лекция ва суҳбатлар динни бир ёқлама қуруқ танқид қилишдан иборат бўлди. Бундай лекция ва суҳбатларнинг зўр бериб сонини кўпайтиришдан кўзланган мақсад атеистик тарбияни яхшилаш бўлса-да, амалда эса у фойда ўрнига кўпроқ зарар келтирди. Одамларнинг бу мавзудаги лекция ва суҳбатлардан аллақачон ҳафсаласи пир бўлган. Чунки улар лекторнинг кўр-кўрона ёдлаб олган маърузасида гап нимадан бошланиб, нима билан тугашини олдиндан яхши билишади.

Ҳозирги шароитда омма орасида атеистик тарбия олиб бориш янада мураккаблашди. Чунки бу соҳа ходимлари олдида эндиликда ғоявий-сиёсий ишлар олиб бориш билан бирга, одамларда атеистик мавзуга нисбатан сўна бошлаган қизиқиш ва ишончни қайта тиклашдек мураккаб вазифа турибди. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам бу вазифанинг уддасидан чиқаётгани йўқ. Айни пайтда кўплаб атеист лекторлар, пропагандистлар, атеизм уйларининг айрим ходимлари ўз билимини ошириб бориш, ўз устида ишлашдан кўра бу соҳани тарк этишни афзал кўришяпти. Жумладан, Бухоро областида ўтган йили 228 нафар атеист лектор бўлган бўлса, бу йил уларнинг сони 182 нафарга тушиб қолди. Кейинги пайтларда бошқа областларда ҳам атеист-лектор ва пропагандистлар сафи кескин камайиб бормоқда. Ачинарлиси — буларнинг кўпчилиги ўзларига ишониб топширилган ушбу жамоат топшириғини бажаришдан бош тортмоқдалар.

Бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор: турғунлик йиллари даврида атеист лекторлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндай бирдан кўпайиб кетишганди. Ҳатто бирор корхонага бориб, атеист лекторлар ҳақида сўрасангиз бир қулоч рўйхатни рўбарў қилишарди. У пайтларда номигагина атеист лектор бўлиб юрганлар ҳозир теппасига қуёш келиб қолган булутдай ҳар томонга тарқаб кетишмоқда. Маҳаллий партия, совет органлари эса бу ҳолга айтарли муносабат билдиришмаяпти. Ҳолбуки, бу соҳага лаёқати, оз бўлсада қизиқиши бор кадрларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш бугун ҳар қачонгидан зарурдир. Қолаверса уларни жипслаштириш, атеистик тарбия соҳасида малакали мутахассисларни кўпайтириш керак.

Ана шу мақсадда республика илмий атеизм уйи қошида атеист лектор ва пропагандистлар ўқиши ташкил этилса фойдадан холи бўлмасди. Ўқишни эса маҳаллада, ташкилот ва муассасаларда, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида атеистик тарбия бўлимлари асосида олиб бориш керак. Бу ўринда албатта хотин-қизлардан атеист лекторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши даркор.

Шунингдек, мактабларда, олий ўқув юртларида илмий атеизм дарси соатларини кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, илмий атеизм дарси мактабларда еттинчи синфдан ўнинчи синфгача бор-йўғи 36 соат ўтилади, холос. Маълумки, бу ёшда ўқувчининг мустақил фикри шакллана бошлайди. Шу даврдан бошлаб уларнинг онгига марксизм-ленинизм ғояларини мунтазам сингдириб бориш ва фақат шу йўл билан мактабни тамомлагач, атеизм ҳақида қатъий мустақил фикрга эга бўлишига эришиш лозим.

Атеизм уйлари ходимлари орасидан энг муносибларини танлаб, партия сафига қабул қилиш ва шу йўл билан бу соҳага партиявий таъсирни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Лекин шу пайтгача маҳаллий партия органлари бу масалага етарли эътибор бермадилар. Атеизм уйлари ходимларининг партияга қабул қилиш ҳақида берган аризалари йиллар давомида инобатга олинмади. Охирги марта 1973 йилда бир киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилингани ҳам фикримизнинг далилидир.

Бундан ташқари атеизм уйи, атеистик тарбия деган жумлалар ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса яхши бўларди. Негаки бу сўзлардан узоқ йиллар давомида фақат ислом ва бошқа динларни инкор этиш ҳамда танқид қилиш маъносида фойдаланиб келинди. Ҳозир эса барча соҳага, шу жумладан дин ва диндорлар фаолиятига ҳам янгича муносабат қарор топмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, диндорларнинг фикри материализмга зид бўлишига қарамай, уни ҳурмат қилиш, шунингдек, динга эскилик сарқити сифатида эмас, социал борлиқ сифатида қараш, диндорларга эса, ғоявий мухолиф эмас, балки ғоявий мусобақадош сифатида муносабатда бўлиш ўринлидир. Атеизм уйи, атеистик тарбия жумлаларини эса, атеистик маданият сўзлари билан алмаштирган маъқул. Бу ҳақда ҳамда атеистик тарбия соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан газетхонлар, айниқса шу соҳанинг мутасадди ходимлари, олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

МУАММОЛАР БОР, ИМКОНИЯТ-ЧИ

ҲАҚИҚАТАН ҲАМ атеизм уйлари фаолиятига оид муаммолар кўп. Шу боис биз ҳам аввало ишга халақит бераётган ана шу муаммоларга тўхталдик. Лекин бу атеизм уйлари фаолиятининг ачинарли аҳволга тушиб қолишига фақат шароит айбдор, деган гап эмас. Бу соҳада меҳнат қилаётган ходимлар фаоллиги ва ташаббусига ҳам кўп нарса боғлиқ. Хўш, бу борада улар қандай фаолият кўрсатишяпти? Мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун қандай амалий ишлар қилинди? Афсуски бу саволларга маънили жавоб топиш қийин. Чунки атеизм уйи ходимлари изланиш, ташаббус кўрсатиш ўрнига, аксарият ҳолларда шароитнинг оғирлиги ва турли муаммоларни рўкач қилишдан нарига ўтишмаяпти. Улар жойлардаги диний вазиятни таҳлил қилиш ва омма орасида атеистик тарбия олиб бориш юзасидан методик тавсиялар, қўлланмалар ишлаб чиқиш каби асосий вазифаларини бир четда қолдириб, бошқа юмушлар билан банд бўлмоқдалар.

Масалан, буни Қорақалпоғистон АССР илмий атеизм уйи фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Биз у ерда бўлганимизда атеизм уйи раҳбари Зулайҳо Косбергенова амалга оширилган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Районларда атеистик мавзуда семинарлар, савол-жавоб кечалари, давра столи атрофида суҳбатлар ўтказилгани тўғрисидаги ҳужжатлар билан таништирди. Косбергенова ва атеизм уйи бошқа ходимлари билан мулоқотда бўлиб, баъзи ҳужжатлар билан танишгач, дастлаб бу ерда ҳамма ишлар жойида экан, деган тасаввур пайдо бўлди.

Бироқ жойларда бўлиб, атеистик тарбия соҳасидаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи билан яқиндан танишгандан сўнг бизда «ҳамма ишлар жойида» эканлигига шубҳа пайдо бўла бошлади. Ҳужжатларни синчиклаб ўргангач эса, дастлабки тасаввурдан асар ҳам қолгани йўқ.

Негаки, жойларда меҳнаткашлар атеизм уйлари ходимлари нафақат турли тадбирлар ўтказгани, балки юқорида таъкидланганидек, у қандай ташкилот эканлигини ҳам билишмади. Илмий атеизм уйи ходимлари томонидан турли йилларда тайёрланган методик қўлланмалар ва тавсияномалар эса худди эгизаклардек, бир-бирларига жуда ўхшаб кетади. Ходимлар омма орасида лекция ўқиш жараёнида ҳамон бундан уч-тўрт йил муқаддам ёзилган докладлардан фойдаланиб келишмоқда. Бу лекциялардан ҳам оммани ўйлантираётган дин билан боғлиқ муаммолар ҳақида илмий асосланган бирор жўяли гап топиш маҳол. Шунингдек, атеистик тарбияни жойларда қандай ташкил этиш ҳақида методик қўлланма ва тавсияномалар тайёрлаш юзасидан белгиланган план йилдан-йилга бажарилмай қолаётир. Жумладан ўтган йили ўнта ана шундай қўлланма тайёрлаш планлаштирилганди. Амалда эса унинг бешдан бир қисмигина бажарилди, холос.

Омма билан яқиндан алоқада бўлиш, жойлардаги вазиятни таҳлил этишда Андижон область филиали ходимлари ҳам сусткашликка йўл қўймоқдалар. Филиал ходимлари диндорлар фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни четдан туриб кузатишдан нарига ўтмаяптилар. Ҳатто улар кейинги пайтларда областда пайдо бўлган турли диний оқимларнинг келиб чиқиши ҳамда уларнинг мақсади нимадан иборат эканлигини ҳам билишмайди. Ҳолбуки, область атеизм уйи жойлардаги вазиятни таҳлил қилиб, унга қарши қандай иш олиб бориш лозимлигини илмий жиҳатдан асослаб бериши лозим.

Бундай лоқайдлик, масъулиятсизлик, республика илмий атеизм уйи, бошқа область филиаллари фаолиятига ҳам хос иллатдир. Наманган область филиали ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ходимлари областда диний вазият мураккаб тус олгандан кейингина ҳаракатга тушиб қолдилар. Область илмий атеизм уйи раҳбари Эгамберди Бозоровнинг вазиятни пухта ўрганмай, шоша-шошарлик билан «Наманган ҳақиқати» область газетасидаги чиқиши кўплаб диндорларнинг норозилигига сабаб бўлиб, вазиятни янада мураккаблаштириб юборди.

Область илмий атеизм уйи томонидан фақат кейинги икки-уч ой ичида «Ислом динида учрайдиган айрим терминлар ва улардан атеистик пропаганда олиб боришда фойдаланиш», «Ислом анъанавий тарқалган регионларда ҳозирги мусулмон мазҳабларининг экстремистик кўринишлари ҳақида», «Янгича турмуш — янгича анъаналар» каби методик қўлланмалар ишлаб чиқилди. Лекин узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бирданига ҳал этиб бўлмайди. Қолаверса, бу соҳадаги муаммолар кампаниячилик билан эмас, балки системали равишда ҳал этиб борилиши лозим. Областда эса атеистик пропаганда билан ҳамиша ҳам мунтазам шуғулланилмаётир.

Масалан, бундан уч-тўрт йил муқаддам Наманган областида диний вазият кескин тус ола бошлади. Қўшни областлардан келган ва шу ерлик баъзи кишилар яширин тўгараклар ташкил этиш ва диний китоблар тарқатиш билан омма ўртасида исломни тарғиб қилдилар. Бироқ область партия ва совет органлари, республика илмий атеизм уйи ва унинг филиали бунга деярли эътибор беришмади. Оқибатда аҳвол шу даражага бориб етдики, омма орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришда диндорлар атеист лекторлар, пропагандистларга нисбатан анча илғорлаб кетдилар. Кейинги пайтларда Учқўрғон, Косонсой, Чуст районларида ҳамда Наманган шаҳрида мусулмонларнинг намойишлари бўлиб ўтгани ва уларда бир неча минглаб одамлар иштирок этгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Областларда диний вазият мураккаблигича қолаётганига, аввало жойларда оммавий-сиёсий ва атеистик тарбия ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан, бу атеизм уйларининг фаолиятсизлиги оқибатидир. Жумладан, республика илмий атеизм уйи фаолиятида ҳам қатор камчиликлар бор. У ўз филиаллари фаолиятини аниқ мақсад сари йўналтириш ёки лозим бўлганда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг уддасидан чиқа олмаяпти. Республика илмий атеизм уйи шу пайтгача ўз филиаллари муаммоларини ҳал этиб беришни бирор маҳаллий партия, совет органи олдига кўндаланг қилиб қўйгани йўқ. Унинг фаолиятидаги ўзибўларчилик, масъулиятсизлик оқибатида ҳатто мавжуд имкониятлар ҳам бой берилмоқда.

Масалан, 1987 йилда республика «Билим» жамияти ҳамда атеизм уйи фаолиятини яхшилаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фармойиши эълон қилинди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Ўзбекистон ССР давлат план комитетига республика илмий атеизм уйини 1988 йилда лойиҳалаштиришга ва 1990 йилдан қуришга мўлжалланган жорий маблағни «маданият» соҳаси ҳисобидан ажратиш топширилсин. Объектни қуришга буюртмачи қилиб, Тошкент шаҳар ижроия комитети биркитилсин...

— Ўзбекистон ССР молия министрлигига республика илмий атеизм уйи ва унинг филиаллари фаолияти учун харажатлар ва қўшимча штат бирликлари ажратиш масаласини ҳал қилиш топширилсин».

Бироқ шу пайтгача буларнинг бирортаси амалга ошгани йўқ. Яъни фармойиш қоғозда қолиб кетди. Аниқроғи унинг ижроси билан қизиқадиган, назорат қиладиган мутасадди топилмади. Масъулиятсизликнинг шу даражада авж олганини қарангки, ушбу фармойишнинг бажарилишидан бевосита манфаатдор бўлган республика илмий атеизм уйи ва «Билим» жамияти раҳбарлари ҳам уни осонгина унутиб юборишди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда атеистик тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларнинг ҳозирги аҳволи бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Бу соҳани зудлик билан тубдан қайта қуриш лозим. Унинг асосий омилларидан бири эса илмий атеизм уйлари фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишдан иборатдир. Бунинг учун аввало атеизм уйларига нисбатан партия, совет юқори органлари ўз муносабатларини тубдан ўзгартиришлари керак. Умуман, атеистик тарбияни одамлар онги, турмуш даражаси, маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш билан биргаликда қўшиб олиб бориш, бу иш билан эса фақат атеизм уйлари ходимлари ёки атеист лектор ва пропагандистлар эмас, балки барча партия, совет, жамоат ташкилотларининг ҳаммаси бирдай шуғулланиши лозим. Лекин бу динни қоралаш ёки унга қарши ғоявий уруш эълон қилиш деган гап эмас. Бундай муносабат В. И. Ленин таъкидлаганидек, «Динга қизиқишни жонлантирмоқ ва диннинг чинакам йўқолишини қийинлаштирмоқ учун энг яхши усул» эканлигини асло унутмаслик лозим.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Комил ИКРОМОВ



Кўп миллатли совет адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Акмалович Икромов олтмиш икки ёшида вафот этди.

Комил Икромов 1927 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. Ўн тўрт ёшидан токарлик станогида ишлай бошлади, ўт ёқувчи, слесарь, тракторчи меҳнати қандайлигини амалда кўрди. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлгач, даврий матбуотда асарлари эълон қилингач, Москвадаги Н. К. Крупская номли педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кирди. Олий ўқув юртини тугатганидан сўнг «Наука и религия» журналининг адабиёт ва санъат бўлимига бошчилик қилди.

1960 йилда Комил Икромов «Карвонлар ўтар...» қиссасини эълон қилди, асар афсонавий дивизия командири М. Миршароповга бағишланган эди. Сўнгра унинг «Ёвуз ўгай она», «Милтиқсозлар кўчаси», «Саккиз кунлик саргузашт», «Майна ини», «Пиёдалар капитани» ва бошқа асарлари босилиб чиқди. К. Икромов асарлари асосида «Қизил қум, «Кекса устанинг васияти», «Қўшиқдан тўрт баҳо», «Хоразм афсонаси», «Комила» бадиий кинофильмлари суратга олинди.

Комил Икромов очерк, ҳикоя, драматургия — қайси жанрда ижод қилмасин — инсонни маънавий камолотга етказиш зарурлиги бу асарларнинг асосий мазмуни бўлар эди.

Комил Икромов публицист сифатида ном чиқарган, у марказий партия ва адабиёт нашрларида эълон қилинган кўпгина мақолаларнинг муаллифидир. Унинг кўп асарлари хорижий тилларга таржима қилинган.

Адабий ва публицистик ижодиётдаги хизматлари учун Комил Икромовга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонлари берилган эди.

Истеъдодли сўз устаси, кўнгли ва қалби кенг инсон Комил Икромов хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, М. И. Иброҳимов, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, Қ. Салиқов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. А. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин, С. У. Султонова, Р. Ғуломов, М. Қаюмов, О. Ёқубов, К. Яшин.

ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

«Қашқадарё» совхози ғаллазорларига комбайнлар олиб чиқилди: арпа ўрими бошланди. Ҳар гектар ердан 32 центнер арпа ҳосили олинаётгани деҳқонларни хурсанд қилмоқда. Хўжаликнинг деярли 500 гектар суғориладиган ерларида ана шундай ҳосил етилди. Ўрим-йиғим икки сменада ташкил этилган.

Бироқ умуман областда дон етиштириш плани бажарилмаса керак. Суғориладиган зонадаги фақат 35 минг гектар ерда ғалла нормал ўсганлиги қайд этилган. Деярли юз минг гектар лалми ерда табиат инжиқликлари туфайли ғалла экинлари қуриб қолди ва улардан жуда кам миқдорда дон олинади. Ем-хашак етиштиришдаги мураккаб аҳвол ҳисобга олиниб, ҳеч бўлмаса, лалми ерлардаги сомонни йиғиштиришга аҳд қилинди.

— Бутун умидимиз суғориладиган ерлардан, — деди область агросаноат комитети раисининг ўринбосари Ш. Хўжаназаров. — Ана шу ерлардаги ҳосил йиғиштириб олиниши биланоқ ўрнига дон учун маккажўхори экилади. Унинг ҳосилини сентябрь ойидаёқ йиғиштириб олиш учун Венгрия ва Молдавияда етиштирилган тезпишар маккажўхори нави уруғлиги тайёрлаб қўйилди.

Ғалла ўрими баҳорнинг ноқулай келиши сабабли одатдагидан бир ой кеч бошланди. Шу боисдан ҳозир асосий вазифа ўрим-йиғим муддатини мумкин қадар қисқартиришдан иборат. Областда 225 та ўрим-йиғим транспорт отряди тузилган. Барча комбайнларнинг бункерлари дон тўкилмайдиган қилиб созланган, агрегатлар ғаллани мумкин қадар пасидан ўришга мўлжаллаб созлаб қўйилган.

(ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

✦ Пахтачи райони меҳнаткашлари бу йил она—Ватанга камида 44 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Шу мақсадда дала ишлари тобора авж олдириляпти.

Район далаларини айланган киши барча бригада, оилавий пудратчи звеноларда қизғин меҳнатнинг устидан чиқади.

Мўл ҳосил учун курашда «Зиёвуддин» совхози, «Коммунизм», Калинин номли, «Пахтакор», Карл Маркс номли колхоз аъзоларининг олиб бораётган ишлари, айниқса мақтовга лойиқ.

Б. ШАМСИЕВ.

ИЖАРАЧИЛАР ЮТУҒИ

✦ Қоракўл районидаги М. Горький номли колхозда ижарачи чорвадорлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ижарачиларга тўла мустақиллик берилганлиги, уларнинг кенг фаолият кўрсатишлари учун ҳам ютуқлар салмоқли бўляпти. Ҳозиргача давлатга колхоз томонидан сотилган гўштнинг қарийб 60 проценти ижарачилар ҳиссасига тўғри келяпти.

Колхоз ижарачилари жорий йилда шартнома асосида 50 тонна семиз гўшт тайёрлаш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача уларнинг хўжаликка топширган гўштлари 40 тоннадан ошиб кетди.

Б. БЕКБОЕВ.

МИРИШКОР СУВЧИ

✦ Маҳмуджон Мирзаев Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» совхозининг тажрибали сувчиларидан бири. Миришкор сувчи ҳозирги долзарб дамларда доимо далада. У шогирди Маъмуржон Маҳкамов билан барча пайкаллардаги экинларни обиҳаётга қондиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Шу туфайли ҳам улар сув тараган, «шарбат»га тўйдирган далалардаги сабзавот экинлари ҳосилига ҳосил қўшилмоқда.

Т. ҲАМИДОВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга наманганлик **Б. Маҳмудов, С. Турғунов, Т. Мамажонов,** қашқадарёлик **Х. Шавилов,** хоразмлик **И. Эшжонов,** бухоролик **Х. Тожиева, О. Жўраев, О. Зокиров,** самарқандлик **Ю. Атоев,** сурхондарёлик **А. Жумаева,** фарғоналик **Т. Ҳотамов, О. Бердалиев,** тошкентлик **Э. Одилов** ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

МЕХАНИЗАТОР ИБРАТИ

Булунғур районидаги Ленин номли совхозда кейинги йилларда пахтадан ташқари экинларга ҳам кўплаб майдонлар ажратилмоқда. Чунончи хўжаликда бу йил 60 гектар ерга картошка экилди. Бунга совхознинг моҳир механизатори Жўрабек Одилов бошчилик қилаётир. Картошкани экиш, унга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган юмушларнинг ҳаммаси илғор механизаторнинг зиммасига юкланди. Шу кунларда экинни парвариш қилиш қизғин олиб борилмоқда. Ҳамма ишлар агротехника қоидаларига амал қилинган ҳолда ўз вақтида суғорилмоқда, ишлов берилмоқда.

Жўрабек Одилов совхоздаги бошқа юмушларга ҳам вақт топмоқда. Чунончи механизмлар билан бажариладиган ишларда ҳам фаол иштирок этаётир.

СУРАТДА: механизатор **Жўрабек Одилов.**
Ғ. АЛИЕВ сурати.



«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Хомталаш»

Газетамизнинг шу йил 8 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Ушбу мақола юзасидан тегишли ташкилотлардан расмий жавоблар олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ:

— Мақолада кўрсатилган фактлар тўғри. Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг тез медицина ёрдами махсус автобазаси территориясида жойлашган АЗС Тошкент «Нефтепродукт» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 30-АЗС филиали ҳисобланади. Автобаза буйруғи билан назорат ўрнатмаганлиги ва мақолада қайд этилган камчиликларга йўл қўйганлиги учун катта диспетчер А. Дементьева вазифасидан бўшатилди. Эксплуатация бўлими бошлиғи М. Чернийга, катта диспетчер Т. Володинага ҳайфсан эълон қилинди.

Министрликнинг автотранспорт бўлимига автобаза ишлари устидан бевосита назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ:

— «Хомталаш» сарлавҳали мақола «Ташгоргрузтранс» (2502-автоколоннада ва 3-автокомбинатда) ишлаб чиқариш бирлашмаси кенгашида ҳамда «Узтрансуслуги» («Ташоблтрансэкспедиция»да) бирлашмаси советида кўриб чиқилди. Мақолада келтирилган фактлар ҳақиқатан ҳам тўғри.

Камчиликларга йўл қўйган айбдор шахслар маъмурий тартибда жазоландилар. Ҳайдовчиларга бензин учун муҳрсиз талонлар топширганликлари учун 3-автокомбинат АЗС мудири Р. Мауланқуловга ва заправкачи Б. Жалиловга қаттиқ ҳайфсан берилди, 2502-автоколонна АЗС оператори С. Аҳмедова огоҳлантирилди, «Ташоблтрансэкспедиция» АЗС мудири А. Йўлдошевга, заправкачи Г. Левинага ҳайфсан эълон қилинди.

Ҳозирги вақтда талонлар ҳаракати устидан қаттиқ назорат ўрнатилди, масъул шахслар билан қайта инструктаж ўтказилди.

Министрлик барча корхоналарга шунга ўхшаш фактларга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишни ва «Хомталаш» мақоласини барча коллективларда муҳокама қилишни топширди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— «Хомталаш» сарлавҳали мақола маъмурий-хўжалик бўлими касаба союз комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Мақолада келтирилган фактлар тўғри, деб топилди. Ижроком буйруғи билан гараж мудири, диспетчер жазоланди. Бензинга талон тарқатишни тартибга келтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

«УЗПИШЕПРОМТРАНС» АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ:

— Бирлашма буйруғи билан заправкачи З. Тошпўлатов маъмурий тартибда жазоланди, унга қаттиқ ҳайфсан берилди, 100 сўм жарима солинди.

Коллектив ўртасида «Хомталаш» мақоласи муҳокама қилинди. Бундан буён салбий ҳодисаларга йўл қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилинди.

«НЕФТЕПРОДУКТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ:

— Бирлашма бўйича чиқарилган буйруққа кўра, автобензин тарқатиш қоида ва тартибини бузганликлари учун заправкачи У. Мирзахонов, Х. Раҳимов, Жамолов, Д. Азимов, Н. Назаров, С. Комиловларга қаттиқ ҳайфсан берилди. Текшириш материаллари Тошкент шаҳар прокуратурасига топширилди.



ҚЎЛ-ЛА СОЗЛАБ БЎЛМАЙДИ ТИКЛАГАН ҲАЙКАЛИМНИ...

Ўзбек совет адабиёти классиги Ойбекдан сўнг шоир Мирза Кенжабоев «Евгений Онегин» шеърий романини қайтадан таржима қилди. А. С. Пушкин туғилган кунининг 190 йиллиги шарафига 6 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида бўлган тантаналарда ана шу асардан парчалар янгради. Бундан ўн беш йил муқаддам шоир номи билан аталувчи майдонда ўрнатилган буюк сўз устаси ҳайкали олдида шеърият байрами бўлиб ўтди. Ўшандан бери ҳар йили июнь ойида бу ерга Пушкин истеъдодининг ихлосмандлари келадилар. Унинг хотирасини ҳурмат билан ёдга оладилар, улуғвор ҳайкал пойига гуллар қўядилар.

Бу гал ҳам буюк шоир асарлари, шунингдек, унга бағишланган шеърлар турли тилларда янгради. Уларни шоирлардан М. Кенжабоев, М. Маҳмудов, Р. Фарҳодий, Н. Стрижковлар ўқиб беришди.

— Пушкиннинг таржима мероси қайта қуриш даврида янгича мушоҳада этилмоқда, — деди ўз нутқида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла. — Маълумки, шоирнинг дастлабки асарлари ўзбек тилида юз йил муқаддам янграган эди. Рус даҳосининг шеърияти билан Туркистон аҳолисини ўзбек зиёлиларининг илғор вакиллари Фурқат, Ҳамза, Авлоний, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон таништирган эдилар. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Миртемир, М. Шайхзода бу хайрли ишга катта ҳисса қўшдилар. Бугунги кунда янги авлод ҳам буюк рус шоирининг адабий меросига мурожаат этаётганлиги қувончлидир.

Репрессия қилинган шоирлар Чўлпон, Усмон Носир, Элбекларнинг ҳали кам маълум бўлган таржималарини илмий жиҳатдан тадқиқ этадиган давр келганлиги, шунингдек, Пушкин ижодини республикада ўрганишни кенгайтириш ҳақида фикрлар айтилди. Бу эса ўзбек ва рус маданияти янада кўпроқ яқинлашишига кўмаклашади.

Бу йил Анна Ахматова туғилган кунининг юз йиллиги юбилейи нишонланади. Пушкинга бағишланган тантанага тўпланган кишилар шоира қаламига мансуб шеърни эслаганликлари рамзий маъно касб этди. Дарвоқе, Анна Ахматова бу шеърни Тошкент диёрида, 1943 йилнинг 7 мартида ёзган эди. Уруш йиллари тўс-тўполонида Нева соҳилларидан ўзбек диёрига келиб қолган шоирани ана шу ўлка буюк даҳога бағишланган шеърни ёзишга илҳомлантирган эди.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ажойиб рус шоири хотирасини ҳурмат билан эслайдилар. Студентлар ва ёшлар аудиторияларида пушкинхонлик бошланди. Тошкентдаги 15-махсус ҳунар-техника билим юртида адабий-музикали кеча тайёрланди. Низомий номли педагогика институтида ўтказилган Пушкин шеърияти байрамига республика адибларини таклиф этишди. Маданият фонди Ўзбекистон республика бўлимининг ташаббуси билан бундан юз йил муқаддам Туркистон ўлкасида ташкил этилган «Пушкин жамияти» қайтадан тикланмоқда.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳириясининг СССРдаги халқ бюроси котиби Дау Али Суейдан Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

7 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов Д. А. Суейданни қабул қилди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П Романовский, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов Д. А. Суейданни қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Бир ярим мингдан кўпроқ йирик совет ва чет эл олимлари ҳамда мутахассислари сентябрь ойида Тошкентга — умумий ва амалий химия бўйича XIV Менделеев съездига тўпланадилар. Ваколатли анжуманга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилот комитетининг 7 июнда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гапирилди.

КАТТА АНЖУМАН ОЛДИДАН

Тайёргарлик тадбирларининг плани муҳокама қилинди. Съезднинг ялпи мажлиси ва секция мажлислари СССР Халқлар дўстлиги саройида, Кино уйида ва Тошкентнинг бошқа залларида ўтиши таъкидланди. Съезд химия фанини ривожлантиришнинг, халқ хўжалигида ҳозирги замон химиясидан самарали фойдаланишнинг долзарб муаммоларига бағишланади.

(ЎзТАГ).

Редакцияда учрашув

Илгари хабар қилинганидек, республикамизда Бенин Халқ революцияси партияси (БХРП) делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга БХРП Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги ва саноат бўлими мудирининг биринчи ўринбосари БХРП Марказий Комитетининг аъзоси Азодогбеу Кодио Франсуа бошчилик қилмоқда. Делегация составида БХРП Марказий Комитети мудофаа ва хавфсизлик бўлими идеология секторининг мудири Массуҳуду Алассан, БХРП Марказий Комитети ташқи алоқалар бўлими сектор мудири Доху Даниел, революцион тарбия миллий маркази директори Кочикпа Виктор ва Бенин Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчихонаси маслаҳатчиси Инносен Акпо бор.

6 июнь куни бенинлик меҳмонлар «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига ташриф буюрдилар. Уларга газета тарихи, бугунги куни тўғрисида, журналистларнинг мамлакат турмуши барча жиҳатларини қайта қуришга қўшаётган ҳиссалари ҳақида сўзлаб берилди. Икки ўртада жонли, қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Делегация аъзолари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.



Суратда: бенинлик меҳмонлар.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ФАРҒОНАДА КЕСКИН ВАЗИЯТ

Фарғонада одамлар кам кўринади. Кимсасиз кўчалардан баъзан машиналар ўтиб қолади. Чорраҳаларда бронетранспортерлар турибди, шаҳар устида вертолёт учиб юрибди. Ташқаридан қараганда осойишталик.

Лекин бу сукунат алдамчи. 23 май куни Қувасойда чиққан учқун ўчгани йўқ, аксинча июннинг бошларида нафрат алангасига айланди. Туб аҳоли билан месхети турклари ўртасидаги тўқнашув уркалтакка айланиб кетди. 5 июнгача бўлган дастлабки маълумотларга қараганда 56 киши нобуд бўлди, кимдир тош бўрон қилинди, кимларнидир ўт қўйилган уйлари босиб қолди... Ҳалок бўлганлар орасида хотин-қизлар ва болалар оз эмас. 400 дан ортиқ уй, 116 транспорт воситаси, саккизта саноат корхонаси, бир неча мактаб ва муассасага ўт қўйилди ва вайрон қилинди. 650 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Тартибсизлик фақат область марказида юз бергани йўқ. Бундай воқеалар Тошлоқда, Марғилонда, Комсомольск посёлкасида содир бўлди. Месхети турклари яшайдиган районлар қуршаб олинди. У ерда комендантлик соати жорий этилди. Митинглар, намойишлар ўтказиш, уйда милтиқ сақлаш тақиқланди. Булар қаттиқ, лекин зарур чоралардир. Ўтган кечаси шаҳарнинг бир неча районларида милтиқ товуши эшитилиб турди.

Фожианинг сабаби нимада, унда ким айбдор? Мен кўп кишиларга: месхети туркларига, ўзбекларга, русларга, татарларга ана шундай савол бердим. Бу саволларга бирхил жавоб йўқ. Бундай жавобни тергов органлари бериши керак. Лекин бир нарса равшан: маҳаллий ҳокимият вазиятни бой бериб қўйди. Ўзи мустақил равишда вазиятни бошқара олмади. Чамаси бу ерда май ойида Қувасойда бўлиб ўтган воқеаларга аҳамият беришмаган. Ҳозирги фожиа бунинг ачинарли оқибатидир. Спиртли ичимликлар ичган ва наша ҳамда қорадори истеъмол қилган 16—20 яшар йигитлар ўйламай-нетмай вахшийларча ҳаракат қилдилар.

Маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари, бу ерга етиб келган ички қўшинлар бўлинмалари месхети туркларини ўчун шаҳар четида муваққат лагерь барпо этдилар. Чўлда жазирама иссиқда бир неча минг киши яшамоқда. Шароит жуда оғир: ухлашга жой, дори-дармонлар, болалар кийимлари етишмайди, аммо энг муҳими, хавфсизлик гарантияланган. Қочоқлар текин овқат билан таъминланган.

— Биз шошилинч чоралар кўриб, Фарғона областига 500 тонна гўшт, 500 тонна сарёғ, 120 тонна шакар-қанд, бир неча минг банка консерва келтирдик, — деди Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари К. Комилова. — Бу маҳсулотларнинг бир қисмини бизга марказдан ажратиб беришди. Месхети туркларини яшаётган муваққат лагерга янги сут маҳсулотлари келтирилмоқда.

...Мен қочоқлар (бундан бошқача аташ мумкинми) лагерида кўрган аҳволни бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фожиани бошидан кечирган одамлар янги газета олиб келган почта машинасини ағдариб юборишларига сал қолди. Кексалар ҳам, энди ғижжалаб ўқишни ўрганган 6 яшар болалар ҳам Фарғона областидаги воқеалар ёзилган қисқа сатрларга тикилишарди. Лекин бу сатрларда уларни ҳаяжонга солаётган саволга жавоб йўқ. Ҳозир бундай жавобни топиб бўлармиди?

Фожиали воқеалар ҳақида ўнлаб-юзлаб одамлар гапириб беришди. Мен куйган юзларни ва ўқ теккан қўлларни, эркакларнинг кўз ёшларини, фарзандларидан жудо бўлган оналарнинг кўзларидаги тоқат қилиб бўлмайдиган ғам-ғуссани кўрдим. Бу даҳшат. Улар учун ҳозир қуролли солдатлардан меҳрибон одам йўқ. Ҳамма шу ҳақда гапирмоқда.

Фарғона областидаги вазиятни барқарорлаштириш ҳозирги вақтда ҳаётий зарурат дир. Иккала томон ҳам шундай деб ҳисоблайди. Аммо, афсуски, амалда аҳиллик йўқ. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бошлиғи генерал-полковник Ю. Шаталин Фарғонага келди. Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Ў. Рахимов Фарғона областининг коменданти қилиб тайинланди. Тергов группаси иш бошлади. Тартибсизлик чиқаришда айбдор бўлган юздан ортиқ киши қўлга олинди.

— Вазият кескинлигича турибди, — дейди ҳукумат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров. — Вазиятни нормаллаштириш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

ЎзТАГ махсус мухбири.
Фарғона.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЯШАЁТГАН БАРЧА ТУРКЛАРГА МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли турк оталар, оналар, акалар ва укалар, кичик қардош-божилар! Бизлар татарлар, бошқирдлар, қозоқлар, ўзбек, туркман ва озарбайжонлар ҳаммамиз туркий халқлармиз. Ушбу миллатлар билан эътиқодимиз ҳам, тилимиз ҳам, урф-одатимиз ҳам деярли бир хил эканлиги ҳаммамизга аён.

Мана, қарийб 45 йилдан бўён биз Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам яшаб келмоқдамиз. Машъум 1945 йили ўзбек халқи бизни азиз меҳмондек кутиб олди. Уз шахсий уйларини бизлардан аяшмади. Биз ҳам 1945 йили жон бошига берилган 48 килограмм донни қўни-қўшниларимиз билан бўлишдик, колхозга маҳсулот учун бердик, пишиқчиликда хурсандчилик билан қайтариб беришди.

Бизлар 1945 йилдан 1956 йилгача шу диёр боғларидаги меваларни, полизларидаги ширин-шакар қовун-тарвузларни бирга баҳам кўрдик. Уларда бори бизники, бизларда бори уларникидек эди. Бирга едик, ичдик. Яхши-ёмон кунларимиз бирга ўтди. Наманган область Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхозда 1956 йилгача яшадик. Бошқа колхоз-совхозлар ўртасида ҳам бирон марта келишмовчилик, хафачилик бўлган эмас. 1957 йилда Тошкент область, Ўрта Чирчиқ ва Бўка районига кўчиб келганимиздан буён ҳам ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермади. Ҳеч кимдан хафа эмасмиз!

Ҳурматли турклар! Совет давлати қайта қуришни амалга оширмоқда. Тўпланиб қолган масалаларни ҳал қилиш чораларини кўрмоқда. Барча халқларнинг, шу жумладан бизнинг ҳуқуқимиз яхшилик томон боришини кўриб турибмиз.

4—5 июнь кунлари Фарғонада юз берган воқеа бизни ғоят ташвишлантирди. Бир қанча бегуноҳ мусулмонлар қони тўкилди. Номаъқул тўполон чиқариш кимга керак? Узоқ йиллар мобайнида қариндошдек бўлиб кетган халқлар ўртасида низо чиқариш инсофданми? Бундай номаъқулчилик айрим ахлоқи бузуқ, калтабин шахсларга хос. Бундай хатти-ҳаракат халқлар олдида оғир гуноҳ эканлигини ҳаммамизга тушунарли.

Фарғона водийсида яшовчи турк оғайнилар! Ақл билан иш қилингиз. Болаларингизни, ака-укаларингизни тўғри йўлга солингиз. Еб турган нон ҳурмати, ичаётган сув ҳурмати тинчланинглар! Илгаригидек бир жон, бир тан бўлиб ҳамма меҳнатга яроқли оғайнилар ўз ишингизга бел боғлаб киришингиз. Қон-қардошлик ва ўзаро ҳурматнинг қадрига етайлик.

Биз жабрланганларга ҳамдардлик билдирамиз. Тинч-тотувлик барқарор бўлишини истаймиз.

Ҳурмат билан Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районида яшовчи турклар номидан Кикинет қишлоғида туғилган оғайниларингиз:

Афлотун ҒОЗИЕВ, Муҳаммад МУСАЕВ, Ҳамди Коряев, Сулаймон МУРОДОВ, Сулаймон АҲМЕДОВ, Ағалп ХЎЖАЕВ ва бошқалар.



КУЛФАТ СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА

СУРАТЛАРДА: 1. Оналар чуқур изтиробда. 2. Бебошлар ўт қўйган уйлардан бири. 3. Қўлга тушган безорилар.

Л. ГУСЕЙНОВ суратлари.

ТЕХНИКАВИЙ ҒОЯЛАР КЎРГАЗМАСИ

6 июнь куни Тошкентда илмий-техникавий ғоялар кўргазмаси очилди. Айни вақтда «Ўзбекэнерго» бирлашмасида республика халқ хўжалигида ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилмоқда. Кўргазмага Ўзбекистоннинг барча областларидан энергетиклар, саноат корхоналари, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари келишди. Кўргазмага жуда кўп нарсалар қўйилган: энергия сарфини назорат қиладиган ва ҳисобга оладиган янги асбоблар, ниҳоясига етказилган илмий-тадқиқот ечимларининг ҳужжатлари, ихтиро қилганлик учун муаллифлик гувоҳномалари бор. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси «сотилади»: кўргазманинг ҳар қандай қатнашчиси ишланма муаллифи билан шартнома тузиши ва унинг ёрдамида фойдали янгиликни ўз ишлаб чиқаришида жорий этиши мумкин.

Кўргазма-семинар уч кун давом этади.

(ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Бокс: ҒОЛИБЛАР ДАВРАСИДА

Олмаотада Қозоғистон Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети совғини учун ўтказилган халқаро мусобақа мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Мусобақа баҳсларда вазнларга кўра совриндорлар аниқланди. Тошкентлик Ҳаким Матчонов ҳам саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

Чим хоккей: МАВҚЕНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Аёллар олий лига командалари ўртасида Тошкент областининг «Политотдел» коллективи хоккейчилари пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашмоқда. Колхоз хоккейчилари Тирасполда «Текстильщик» коллективи меҳмони бўлиб (0:0, 2:2), жами очколарини 15 тага етказишди. Бокунинг «Связист» командаси 11 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. «Андижанка» қизлари Киевда спартакчилар билан учрашиб (1:1, 2:2), жами очколарини 10 та қилиб олишди. Эркаклар олий лига коллективлари ўртасида Москванинг «Филя» хоккейчилари 28 очко билан пешқадам бўлиб туришибди. Андижоннинг «Звезда» командаси 17 очко билан 5-ўринда бормоқда.

Енгил атлетика: ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

Рига шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада энг кучли спортчилар ўзаро баҳслашдилар. Тошкентлик Марина Шмонина 400 метрга югуришда 52,01 секундлик натижа билан марра чизиғида биринчи бўлди. Унинг ҳамшаҳри Виктор Зайцев найза улоқтиришда 79 метр 80 сантиметрлик натижа билан ғалаба қозонди.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
Темир йўл транспорти раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш факультетида
мутахассислар ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими кафедраси бўйича
ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир: илмий даражага эга бўлган, юқори малакали ва темир йўл транспортида катта иш тажрибасига эга бўлган кишилар;

профессор: (ижтимоий фанлар): темир йўл транспортида иш тажрибасига эга бўлган «сиёсий иқтисод» фани бўйича;

профессорлар (3 ўрин): қуйидаги ихтисосликлар бўйича 0,5 ставкага — темир йўл транспортида юк ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш, локомотивлар ва локомотив хўжалиги, темир йўл транспортида молия ва бухгалтерия ҳисоб-китоби;

доцентлар ёки катта ўқитувчилар (6): қуйидаги ихтисосликлар бўйича 0,5 ставкага — темир йўл транспортида юк ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш, локомотивлар ва локомотив хўжалиги, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, АСУ ва ҳисоблаш техникаси, Совет ҳуқуқи (темир йўл транспортида юридик соҳада иш тажрибасига эга бўлган кишилар), темир йўллар қурилиши ва йўл хўжалиги.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар институт ректори номига қуйидаги адресга юборилсин: 700045, Тошкент шаҳри, Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети
ОҚ ОЛТИН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1989—1990 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, автомобиль транспорти ҳаракатини бошқариш ва юк ташишни ташкил қилиш, автомобилларга ва двигателларга хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш, бухгалтерия ҳисоби, хўжаликлар фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш, бино ва иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТАДИ.

Техникумга 8 йиллик маълумот билан қабул қилинаётганлар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ўзбек тили (рус тили) — диктант, математика — оғзаки.

10-синфни битириб ўқишга кираётганлар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ўзбек тили ва адабиёти — ишшо, математика — оғзаки.

СИРТҚИ БЎЛИМГА ЎҚУВЧИЛАР 3 КУРСГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Аризалар 10 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 10 августдан 20 августгача ўтади. Сиртқи бўлимга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ишшо), **МАТЕМАТИКА** (оғзаки).

Гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш мутахассисликлари бўйича сиртқи бўлимининг II даврасига, аризалар 1989 йил 3 октябрдан 30 ноябргача қабул қилинади.

8-синфни битириб ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой, 10-синфни битириб ўқишга кирганлар 2 йилу 10 ой ўқишади. Бухгалтерия ҳисоби, хўжаликлар фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш мутахассислиги бўйича ўқиш муддати 1 йилу 10 ой.

Ариза техникум директори номига ёзилиб, унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 086/У формасидаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажи борлар ва сиртқи бўлимга кирувчилар учун), 3х4 см. ўлчамли 4 та фотосурат, паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўқувчилар кириш имтиҳонлари вақтида ва ўқишга қабул қилингандан кейин ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: 708706, Сирдарё области, Оқ олтин райони, Сардоба посёлкаси Оқ олтин гидромелиорация техникуми қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри ҳузуридаги
ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1989—1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хореография билим юрти опера ва балет театрлари; музикали комедия театрлари, халқ рақс ансамбллари, эстрада ансамбллари учун балет артистлари тайёрлайди.

Ўқишга билим юртига кириш даврида ўрта мактабларнинг 3-синфини тамомлаган, касб қобилиятига эга бўлган иккала жинсдаги болалар қабул қилинади.

Хореография билим юртига кириш ҳақидаги ариза билим юрти директори номига бўлғуси талабаларнинг ота-оналари томонидан берилади.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ — 15 ИЮНГАЧА ИШЛАЙДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 31-алоқа бўлими, Педагогика кўчаси, 31-уй. Телефонлар — 56-24-36, 56-05-28, 56-33-27.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ
радиацион биотехнология лабораториясининг катта илмий ходимлари (3 ўрин, иккитаси хўжалик шартнома ишлари бўйича)
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

Тошкент давлат медицина институти 2-клиник касалхонасининг коллективи, ЛОР клиника врачи, медицина фанлари кандидати Ш. Муҳиддиновга онаси
Мукаррам РАҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1947 йилдан КПСС аъзоси
Йўлдош ТОШПУЛАТОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг Ўсимликлари ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти коллективи катта илмий ходим Т. К. Ҳамдамзодага онаси
Ҳадича ҲАМДАМЗОДАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Севилья сартарошн**, 9/VI да **Тўмарис.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/VI да **Нурхон**, 9/VI да **Концерт.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р. — 05785. Б. — 135. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12